

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 60-61 (6900-6901)  
1998 йил 4 август, сешанба

Сотувда эркин  
нархда

Азал-азалдан аҳли донишлар юрти булган Ўзбекистон бутун дунени буюк олимлар тафаккури ила титратган, Келажак остонасида улғаяётган бугунги ёш авлод мана шу ифтихор туйғусини юракдан ҳис қилмоғи лозим. Мактабга қатнайдиган боланинг ўқишга, изланишга меҳр қуймоғи — унинг эртасини белгилайди.

Бугунги куннинг бозори: пештахталар турли-туман, ранго ранг моллар билан тулганки, бундан расталар синаман дейди. У ерда харидорлардан кура сотувчилар купга ухшайди. Гуеки бугун дунё бозорга айланган. Ҳаётнинг узи сотувчи ва харидорлардан иборатдек...

Баъзан «Агар эртага шунча одам бозорга чиқмай қуйса нима иш қилади?» деб уйлаб қоламиз... Айниқса, мактаб ёшидаги болаларни кўриб, ачинаб кетасан киши! Болалиги бозордан бошланган бу ёшларни эртага нима кутади? Улар келажакда ким булишади? Бир умр бозор кучаларида «пушт-пушт»лаб, арава судраб утишмайди-ку! Бозорга чиқаётган болаларни қораламоқчи эмасмиз. Аммо Ватанимиз келажagini арава тортаётган болалар билан ҳам тасаввур қилиб булмайди.

Арава судраб юрган болаларнинг бирини тухтатиб, су-

раймиз:

— **Топган пулингни нима қилмоқчисан?**

Бола пешона терини артаркан: «Узимга ва укамга дарслик китоблари сотиб оламан», — дейди.

сотиб олиш мен учун анча қийинчилик тугдиради. Хайриятки, адолатли юртбошимизнинг меҳрибончиликлари ортидан мана бу яхши янгилик...

Тошкент шаҳрида китоб расталарини айланиб юрган

## ЮРАКДАН ЁҚИЛГАН ЧИРОҚ

Боланинг бу гапи бозор иқтисодиёти шароити болалар буйнига юк ташлаб қуйди, деган ташвишдан бирданига фориғ қилгандай булади. Бу йил ёш авлод келажagini уйлаган ҳолда мактаб дарсликларини биринчи синфлар ва меҳрибонлик уйларидаги болалар учун бепул тарқатилиши ҳақидаги хабардан эса юракларда чироқ ёнганлиги рост. Бу чироқ ўзбекистонлик минглаб оналарнинг юрагида ҳам равшан торғди.

— Ажойиб юртимиз бор-да! Болаларнинг келажаги учун қайғурадиган яна шундай Ватан бормикан? — дейди меҳрибон она Муршида опа МУСАЕВА. Олти боланинг ҳар бирига дарслик китоблари



Навоий вилоятидан келган ўқитувчи Шарофат Алимованинг қувончи ўзбекистонлик барча устозларникидан оз эмас.

— Бу йил энди ҳамма ўқув-

чиларим дарсликлар билан таъминланади. Қандай яхши, яйраб дарс утадиган булдим, — дейди у ичидати завқини яшира олмай!

### Бахтиёрлик йўли

ларнинг ақл-идроки яшайди. Ҳоки тупроқлари туш сингари аллақачонлар тузгиб кетган одамларнинг овози бурро ва аниқ янграб туради. Боболарнинг яратган, қайта-қайта уйлаб қурган ва улар эришган нарсаларнинг бари худди сеҳрли сандиқдай китоблар саҳифасида сақланиб қолган. Сен меҳрингни бериб ўқийдиган дарслик китоблари бир кун мева бериб, балки узинг ҳам янги янги китоблар ёзарсан. Ушанда авлодларинг хайратларга чулғаниб, сенинг китобларингни ўқишар?..

Ҳозир эса сен ўқитин, ўқишдан чарчама, зеро, китобсиз чуқур эътиқод қўйганимиз — етук ва гузал ИСТИҚБОЛ томон ишонч билан боришимиз мумкин эмас!

Азиз болажон! Юрагингда чарх ураётган энг гузал, энг юксак орзулар сенинг китобларга қўйган меҳринг ортидан амалга ошади. Сен Ўзбекистон деган меҳр ва муҳаббат тула бир ватанда яшайсан. Бу ватан сенга бахтиёрлик йўлини кўрсатувчи машғалдир. Унинг меҳри, муруввати ҳамиша сени эзгуликка етаклайди. Бу муборақ йулда одимлашдан чарчама!

Дарвоқе, бугунги кун боласининг келажаги йулида қилинган бу эзгулик Ватанимиз келажагининг буюклик сари қўйилган яна бир қадамидир.

Сенинг келажагинга ҳавасимиз беҳад, болажон! — дегим келади, дарслик китобларини бахтиёр кутариб кетаётган болаларга қараб.

Сенинг боболаринг китобларга буюк эҳтиром билан қарашга бутун дунёга тафаккур

машғалини ёқиб кетишган. Китоблар сенга буюк тухфадир. Китобларда кечмиш замон-

### Сиз нима дейсиз?

## ДАРСЛИКЛАРИМ ИККИТАДАН БЎЛАДИГАНГА ЎХШАЙДИ

Дадам ишдан келиб:

— Ишхонамизда мактабга борадиган болалари бор ходимларга дарсликлар берадиган булишди. Мен ҳам 3-синф ва 5-синф дарсликларини ҳалемай олиб келаман. Иҳтиёр ҳам, Гулноза ҳам китоб олинмасин, — дедилар.

— Вой, дада, ҳали билмадингизми, мен ўз дарсликларимни мактабимиз кутубхонасидан сотиб олганимга бир ой булаяпти-ку, — деб кулиб юбордим.

Ўзи шунақа, дадамларга кийиб юрган куйлагимни кўрсатиб «Яхшими дада?», — деб сўрамагунимча куйлагимга ҳам, ҳатто ялтиллашиб тақиб юрганам тилла зирагим (бувим олиб берганлар)га ҳам эътибор бермайдилар.

— Унда китобинг иккитадан булади-да, қизим, — дедилар пинакларини бузмай. — Айтганча, ҳамма китобларингни сотиб олдингми? Неча пул булди.

— Бир минг бир юз сум, — мен учун ойижоним жавоб бердилар. — Бу йил жуда яхши булибди-да! Биринчи синфдагилар текин китоб олишса, қолганлар пулга... Демак, китоб ўқувчининг узиники булади. Йил охирида титилиб, йиртилиб кетган китобларни мактабда йиғиштириб олишмайди. Пулга сотиб олган

ўқувчи китобларини эскитиб ҳам қўймайди.

— Албатта-да, — дедилар дадам. — Ўзи унчалик қимматга ҳам ухшамайди.

— Қимматми, арзонми, энг асосийси — китобнинг нархи орқасига аниқ-тиниқ қилиб ёзиб қўйилибди, — дедилар ойимлар. — Мактабдагиларга раҳмат. Ўз нархига беришди. Фақат тарихи қолувди... Яқинда уни ҳам олиб келишаркан.

Мен эса уларнинг суҳбатини булмай дадам олиб келадиган китоблар ҳақида уйлай бошладим. Хўш, у китобларни нима қилар экан, деб сиз ҳам қизикаётгандирсиз? Синфимизда (исмини айтмайман) бир ўқувчи бор. Оиласидагиларнинг беш нафари шу мактабда ўқийди. Яқинда отаси қазо қилган... уша уртоғимга совға қиламан-да!

Яна уйлаб қолдим: дадамлар ишлайдиган қиммат баҳо қоғозлар заводидаги раҳбарлардан бошқалар ҳам урناк олиб, ишчи-хизматчиларининг болалари учун ўқув китоблари сотиб олиб беришни ташкил этишса жуда соз буларди-да!

**Гулноза МАКСУДОВА.**  
Тошкент туманидаги  
25-мактаб ўқувчиси.



**Кўзингда қуёшлар кулади,  
Йиғласанг кўз ёшлар кулади.  
Оёгинг текканда шиқирлаб  
Ҳатто, қаттиқ тошлар кулади.**

**Билимга ҳаваслар боғлайсан,  
Саноқлардан маъно англайсан.  
Хоҳлайсан чиройли бир умр,  
Жасоратли умр хоҳлайсан.**

**Ким сенинг йўлингни кесади,  
Ёнингда хур шамол эсади.  
Қалбингнинг энг чуқур жойидан  
Энг буюк муҳаббат ўсади.**

**Фурур маржонимда дур, болам,  
Бахтиёр эртанга юр, болам.  
Оловим, топқирим, зийрагим,  
Нур болам, хур болам, зўр болам!**



кин, деб уйлаб қоламан.  
— Юлдузлар жадвалини ким тузганини ҳам биласанми?  
— Мирзо Улуғбек. Самарқанд ҳақидаги китобда обсерваториясининг расмини курувдим.  
— Бари-бир, юлдузларни текширадиган олим булмоқчимисан дейман.  
Бир йили Китоб кенглик стан-

рак. Мен учун шундайми ёки узи шунақами, юртимга келсам қоиотнинг дарчиси бутунлай очилиб кетгандек булади. Тунда осмон ерга тушиб келгандай, нарвонсиз, зинасиз, индамай юлдузлар бағрига шунгиб кетгандай булаверасиз. Юлдузлар кетидан юлдузлар куринаверади. Осмоннинг бирон нуқтасини буш тополмайсиз...

**Оналар ёзди**

излаб тополмадим. Мен Ой ҳамиша юлдузнинг ёнида туради деб уйлаган эканман. Аммо Ой қоиотда кезиб юришини, ҳар доим ҳам уша юлдузнинг ёнида туролмаслигини кейин англадим. Ҳа-

кам куринади?  
— Шаҳарда ҳар хил заводлардан чиққан тутунлар, газлар ҳавони қоғлаб олади. Биз шунинг учун қуромаймиз.  
— Абдуллажон Ойда эмас экан. Ойда ҳеч ким яшамас экан, китобдан ўқидим.  
Кулиб юбораман. Бадиий фильмни куриб, «Абдуллажон қасрга учиб кетди?» деб кичкиналигида сураганда, «Ойга», деб қўйгандим.  
— Унда қаяққа учиб кетиб-дийкан?  
— Билмасам, бошқа жойга булса керак...  
— Катта олим булсанг, шу юлдузларни текширасан. Эҳтимол, Абдуллажон яшаётган сайерани ҳам топарсан. Тополармикансан?..  
— Ку-уп ўқисам, дурбиндан текшириб-текшириб топаман, — дейди Шоҳинур болаликнинг солда туйғулари билан қатъий равишда.  
Алламаҳалгача ухламаймиз. Шоҳинур хаёл сура-сура ухлаб қолади. Ким билади, тушларида учиб юрганмикан?  
Қишлоқда одамлар осмон ёришар-ёришмас уйғонишди. Кун тиккага келгунча ишларини битиришди. Уфқ қизаргандан Шоҳинурни уйғотаман:  
— Тур, Шоҳинур, ичкарига кириб ёт.  
У кузларини ишқалаб очиб осмонга қарайди. Тунги юлдузлар йуқолган, оқиш-куқиш осмоннинг бир четида катта юлдуз порлайди:  
— Қара, қара, Шоҳинур, энг катта юлдуз сени кутиб турибди., Бу — «ТОНГ ЮЛДУЗИ» — сенинг юлдузинг!..

**ЮЛДУЗЛАРГА ЯҚИН ЮРТ**

— Унга қизиқарлироқ китоб олиб келинг, ҳамма эртақ китобни ўқиб чиқди, зерикиб кетди, айтганини қилмапти, — дейди телефондан синглим.  
...  
— Шоҳинур, қайси китобларни ўқидинг? — сурайман қишлоққа боргач.  
— «Астрономия»ни...  
— Нимани? — дейман ҳайрон булиб.  
— «Астрономия» билан «Зоология»ни.  
— Физикани ўқимадингми мабодо? — дейман чузиб.  
— Уқийман девдим, холам бермади, йиртиб қуясан деб.  
— Китобинг қизиқмикан?  
— Қизиқ. Сизга юлдузларни санаб берайми? Катта айиқ, Кичик айиқ, Товус, Балиқ, Аждаҳо, Орион, Сомон йули... Юпитер — энг катта планета. Сатурннинг белда белбоғи бор.  
У бир қанча юлдузларни, осмон қаватлари, ер қатламлари, ер қобиғи — мантия тўғрисида гапириб кетди. Шу ёдлаб олган илмий қоидаларни ўзи тушуниб етдимим.

циясида ишлаган олим тоғаси Олим қандай қилиб юлдузларга қизиққани, илмий иши ёқиб қолиб чет эллик олим чақирғи билан Исроил, Америкага бориб келганини гапириб берганди. Йулимиз тушиб кенглик станциясига ҳам боргандик. Ушандан бери унинг бутун хаёли юлдузларда.

Кук, сарик, қизил рангли юлдузлар: ерга яқин, ердан узоқ юлдузлар бор экан, кейин ёмон юлдузлар ҳам бор экан. Лекин қайси бири бахтли, қайси бахтсиз эканлигини ҳали билиб ололмабди. Энди уша юлдузлар ҳақидаги китобни олиб борсам, ўқиб, билиб олармиш.

Оқшом, тоқлар тағидаги сурида ётиб, сочилиб кетган юлдузларни томоша қиламиз.

Кенглик станцияси дунёнинг бешта жойида бор. Ушандан биттаси Китобда жойлашган. Унинг географик ўрни юлдузларни текшириш учун жуда мос булса ке-



Болалик чоғимда мен ҳам Ой ёнидаги энг катта юлдузни ўзимники қилиб танлаб, унга қараб хаёллар сураддим. Аммо совуқ кунлар тушиб, қурпа-тушагимиз уйга кучгач, куз тунларида мен уни

мон осмонга қарайман, болалигимдаги юлдузни излайман. Шу эдим, дейман, адашман, иккиланаман. Энди... энди углим самодан уз юлдузни излапти. Майли, юлдузингни тошгин, яхшилаб таниб ол, ҳар оқшом кузат, суҳбатлаш. Лекин ҳеч қачон йуқотиб қўйма, хупми?

— Юлдузлар кундузи қаяққа кетади? — сурайди Шоҳинур.

— Ҳеч қаяққа кетмайди, улар уз ўрнида тураверади. Фақат ер мана бунақа қилиб айланиб олади. — Олмани айлантриб курсатаман. — Кейин биз уйғонамиз, нариги томондагилар ухлайди.

— Уларни кундуз куни куриш мумкинми?

— Мумкин. Жуда чуқур қудуққа тушиб куриш мумкин, деганди ўқитувчимиз. Тагин юлдузларни кураман деб қудуққа тушиб кетмагин. Китоб кенглик станциясига олиб бораман, кураман. У ерда чет элдан олимлар келиб ишшлашади.

— Нимага шаҳарда юлдузлар

Зебо МИРЗАЕВА

**ЭЛ ТАНИЁТТАНЛАР**

**Жаҳон тиллари университетида**

зиқсиндим мен.

— Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети қошидаги хорижий тилларни чуқур ўзлаштиришга ихтисослашган лицейда.

Бу суҳбат тўғрисида ушбу лицейга қизиқиб қолдим. 1996 йили ташкил этилган лицейга 9-синфни битирган болалар қабул қилинар экан. Уқиш муддати 2 йил. Бу ерда инглиз, француз, немис ва япон тилидан чуқур билим берилади. Болаларнинг олган билими ҳар 45 кунда бир марта аттестация ва 3 ойда бир марта имтиҳон орқали текшириб борилади. Лицейда болаларнинг жаҳон андозалари талабларига мос билим олишлари учун барча шароитлар яратилган. Уқув хоналари компьютерлар, лингвон ва телефонлар билан таъминланган.

— Бу йил лицейимизнинг илк битирувчилари имтиҳон-

лардан муваффақиятли утиб, яна ҳам каттароқ синов олдида туришибди, — деди лицей директори, педагогика фанлари номзоли, доцент Жума-

ляпмиз-да! Лицейда япон тилидан япониялик ўқитувчилар Окамото Кояжи ва Фумиэ Мацуно, инглиз тилидан эса Американинг Калифор-



Республикамиз олий ўқув юргларида қизгин давр — имтиҳонлар бошланди. Беғубор болалик даври ортда қолиб, катта ҳаётнинг синовлари қаршисида юраги такапука бўлиб турган йигит-қизлар орасида хотиржамлиги билан ажралиб турган бир гуруҳ ёшлар диққатимни тортиди. Турган гапки, улардан

хотиржамлигининг сабабини суришгирдим.

— Мен уз билимим билан ҳар қандай имтиҳондан утиб кета олишимга ишонаман, — деди йигитлардан бири. — Чунки, бизнинг лицейда ниҳоятда чуқур билим беришади.


— Қайси лицейда? — қи-



назар ака Ҳасанов. — Лицейнинг 103 нафар битирувчисидан 86 таси Жаҳон тиллари университетига ҳужжат топширишди. Суҳбатлашув чоғида ўқувчиларим ўзларини дадил, хотиржам тутишларини куриб, очигини айтсам, бироз ҳаяжонланиб кетдим. Чунки биз уларга ўзимиздаги бор билимимизни, маҳоратимизни беришга ҳаракат қи-

ния штатидан келган тажрибали муаллима Темми Фокс дарс беришади. Шунингдек, тарих фанлари номзоли Т. Турғунов, М. Турсунова, Г. Болтабоева, Г. Усмонова, Г. Нуридининова каби маҳоратли педагоглар болаларнинг чуқур билим олишлари учун жон куйдирмоқдалар.

Нодира МИРЗАЕВА



**«ДАВР»инг келди...**

«Дарё қирқ йилдан кейин ҳам эски узанидан оқади. Аму ҳам уз денгизини қайта топди»...

Қандай яхши-а? Воқеалар, хабарлар, шарҳлар, лунда ва самимий баён этилади-ган макон ва замонга даҳлдор масалалар бўйича фикр юритадиган «Давр»нинг пайдо бўлганлиги ҳам жуда яхши бўлди!

Бугунги кунда газеталар, журналлар сони ҳам, номи ҳам купайиб кетди-да, кимдир уни ўқиса, кимдир буни ўқийди.

Ҳамма ўқийдиган, ҳамма

ёшдагиларнинг маълум уз газетаси ва журнали бўлиши керак, деб турганлар ҳам бордир орангизда? Янглишасиз.

Истиқлол шамоли узининг улугвор ишлари, оламшумул

**Диққат, янги газета**

воқеа ва ҳодисалари билан юртимизда кезиб юрган экан, унинг суратини турли — туман газета ва журналлар гузал курсатув, мароқли эшиттиришлар йул бошида турган юрдошларга маёқ бўлиб, ҳамроҳ ва ҳамнафаслик қилади.

Сержозоба ҳаётимиз ҳам роҳи — «Давр»инг келди, болажон! Уни уйингдаги катталар билан бирга сен ҳам албатта ўқиб чиқ. У билан мозийга сафар қиласан, келажак қандайлигини биласан. Энг асосийси — жиддий узғаришлар, ҳаётга, дунёга янги-ча қарашлар, тафаккурла янгиланишлар пайдолигидан воқиф яшайсан!

«Давр» («Наше время») газетасининг биринчи сони шу йил, 30 июлда «Халқ сузи» ва «Народное слово» газеталари ва «Матбуот тарқатувчи» ёшиқ турдаги акциядорлик жамияти муассислигида босмадан чиқди. Биз ишонамизки, бу газета барча учун сеvimли, бўлиб қолади.

«Тупроқдан узилган одам ҳаётдан узилади. Бошқа вилотларда одамлар ерни бир ишласа, биз бир неча марта ишлаймиз...».

Боғот тумани ҳокимаси Шакаржон опага шунинг учун ҳам «китобни шамол ҳам варақлайверади. Гап уни қандай ўқишда қолган», деганларидек, «Китобхонликларингиз ҳам ерга қилинган меҳнатларингиз каби талабчан экан-да», — деб айтгимиз келди китоб байрами Урганчдан Боғотга кучган дамларда. Аслида қумларни эслаб, олтин зарраларидан яралган диёрда ҳамма китобхон, ҳамма зукко ва зийрак. Санъаткорона яратилган кум-кук пайкаллар, шоли, пахта, қовун-тарвуз, олма, нок... Ўзбекистон меваларининг сараси, сарҳили шунда... Жуда ошириб юбордингиз, дерсиз. Ошириб — тоширсак арзийди. Чунки бу юрт болаларининг кўзларида ҳайрат, бетимсол муҳаббатни кўролдик. Тупроқни олтинга айлантиришда, кумларда бог барпо қилишда иштирок этаётган болакайлар Хивада бошланган китоб байрами, Нуриллобой боғидаги тантанадан сунг Урганчга, эртасига эса Шакаржон опа Хужаниёзова раҳбарлик қилаётган Боғот туманига кучганда ҳам китоб яратувчилар — ноширлар, ёзувчи ва журналистлардан айрилишгани йўқ. Китоб бозорида ҳам олувчилар асосан болалар

булди. Балки, бизнинг қўзимизга улар яққолроқ ташлангандир. Чунки қаерда тийрак, зехли болаларга дуч келсак, айниқса, сақич ёки хорижда ишланган шапка ишқида раста ораламай, балки узи ўқишига китоб

дим-да оладиганимни! Бугун байрамнинг устидан чиқиб қолдим. Қаранг, китобларимни!

У сумкасига ишора қилди.

— Яхши китобнинг баҳоси йўқ, шунинг учун нарҳини суриштирманг... Бу йил деҳқончилигимиз ёмон

Қандак ўриқларни бирпасда қишга асраш учун туршак қилишаётганини айтмайсизми!

Мева, сабзавот экинларини ҳам сақлаш йўллари топишибди!..

Сўхбатларга кулоқ тутамиз. Истиклолнинг,

адабиётга, китобга йул оладилар-да! Чунки китоб ўқиш инсондан нафақат қизиқиш балки куникмани ҳам талаб қилади. Бунда эса ҳар ҳафта ўқувчисини йўқлаб келадиган уз газетаси — «Тонг юлдузи» қул келади. Бунинг учун хоразмлик шоир, беҳад билим соҳиби Матназар Абдулҳаким, қалами уткир публицист Рузимбой Ҳасанларгина эмас, Хива шаҳар ва туман ҳокими Р. Мадаминов, Боғот тумани ҳокими Шакаржон Хужаниёзова ҳам ваъда беришди. Деҳқончилик, богбонлик, қурувчи ва бунёдкорлик маданияти қонига сингиб кетган қадимий ва кўхна юрт ворислари зар қадрини тушунар заргар булиб китобларимиз, газета ва журналларимизга уз баҳосини берар экан, бир нарсани чин дилдан ҳис қилдик. Инсонларга нондан кейин китоб беринг!

Абдуҳамид  
АБДУҒАППОРОВ

## МЕҲР — ОҚИБАТ КЎРИГИ

танлаётганларни учратсак қувонамиз-да! Ўзбекистон қаҳрамони Машарип Қувақов раислик қилаётган «Боғот» жамоа ҳужалигининг дала шийпонидеги учрашувда ҳам болалар билан танишдик. Китоб ила дўст тутинган қизлар билан сузлашдик.

— Китоблар куп. Аммо ҳаммаси ҳам хуб эмас, — деди еттинчи синф ўқувчиси Саодат. — Мактаб кутубхонаси бизнинг уйимизга кучиб қолса соз буларди-да, деб юрардим яқин-яқинларгача. Энди ҳамма китобни ўқиб булгандайману кўнглимда уз китобимни излаш истаги туғилган. Таътил кўнлари Хива бозорларини, Ичан қалъани тез-тез айланиб «Уткан кўнлар», «Ўзбек халқ эртақлари» ва «Сугдиена»ни сотиб ололдим, холос... Қўлимга пул тушса китоб сотиб оламан деб тураман-да! Аммо қанийди атиги уч дона эмас, балки уттиз дона китоб сотиб олсам! Танлаб-танлаб... барибир тополмас-

булмади. Қовун-тарвузларимиз, помидор-бодирингларимизнинг серҳосил пишишида менинг ҳам ҳиссам бор. Уларнинг менга чиқарган улуш пулини китобга ажратгандим...

— Китоб байрами баҳона қадронларим билан учрашдим, — дейди қўзлари порлаб хоразмлик хассос шоира Бибисора Туропова. — Шундай байрамлар вилотлараро ҳам утказилиб турилса қандай яхши буларди! Умрида Хоразмни кўрмаган, аммо гузал шеърлари билан Ўзбекистонга танилган Зебо Мирзаеванинг ҳам шу баҳона орзуси ушалибди. Мен эса... Жиззахни кўрмаганман. Шундай байрамлар баҳона уз уйимиз, уз қавм-қариндошларимиз ҳузурига маънавият чироқлари ёқиб, қуйлар, қўшиқлар, шеър ва мушоиралар билан ташриф буюриш қандай яхши!

«Боғот»да ғалла экишибди, уни йғишибди, ун қилишибди, ундан нон ёпишибди...

мустикалликнинг меваларидан тилимиз таъм тотлади, дилимиз гурур топади.

Юрган дарё, деб шуни айтадилар-да. Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси ташаббуси билан утказилган байрам маълум маънода «Тонг юлдузи» ташвиқоти, тарғиботи учун ҳам қўлайлик яратди. Бевосита учрашувларда ўқувчилар уз газеталарини ўқиётганларини, ўқимаётганлар эса келаси йил, албатта, обуна булажақларини билдиришди. Ахир болалар уз газетасини ўқиб катта

## Китобхонлар байрами

### ЮЗИНГНИНГ НУРИНА МИНГ НУР ЕТМАС

Хива шаҳар расталарини айланиб юриб яна қўзларим Сизларнинг изингизга эргашаверади. Купсиз, туп-тупсиз. Расталарда камаласифат товланган матолар номини чуғурлашиб айта бошлайсиз. «Мана бу Валентин ёқа қўйлак», «Буниси Клара», «Бунисини Монси, дейишади»...

Мен ораларингдан буйчангина биттангизни имлайман. Келасиз.


— Исминг нима? — сурайман.

— Шоҳсанам.

Бу исмда Хоразмга хос салобат, қўрк қўраман. Мен Сен билан сўхбатлашгим келади. Хоразм, Хива ҳақида, ажлодлар, бугун, келажак ҳақида. Аммо сен узингни олиб қочасан, «биз бир қишлоқдан келганмиз» дейсан, астагина...

Нега шунақасан, қизалок? Ахир, ҳозир иккаламиз ёнмаён турган мана шу тупроқда кишилик жамиятининг илк қомусларидан бири «Овасто» яратилган. Тарих рақамлар гилдираги устида илгарилайди. Рақамлар тараққиятни

ҳаракатга келтиради. Рақамлар қонуниятининг кашфиётчиси ҳам, «Алжабр»ни яратган ҳам — Хоразмий эди. Наҳот, сенинг Туркон хотунларни ёдга солувчи шу бодом қовоқларинг, қийғоч



Биз йўлга чиққанда йўл берар тоғлар  
Биз йўлга чиққанда пасаяр осмон.  
Шамол юввош тортар, от қанот боғлар,  
Дугога қўл очинг, азиз онажо!

қўзларинг манави осмонранг минорларга ёниб, ёлқинланиб термулмаса? Наҳот, сен Нажмиддин Кубро бобомизнинг мугул босқинчиларига олдирмаган, бермаган туғини бағрига босиб шаҳид булганини билмасанг?

Эҳ-ҳе, Хоразм деганда кимларнинг хаёли қочмаган, кузи уйнамаган қизалок...

Уз қавми Буюк Петр дея улуғлаган шоҳ айғоқчиларининг шохи ҳам илк бор Хива йулларида синган. Хива хонининг 20 мингдан зиёд аскарни шимолдан қўнлай келадиган 50 мингдан зиёд қўшинга дош келган.

Бу тупроқни қул этмаслик учун не-не паҳлавонлар жон берган... Гоҳ Паҳлавон Маҳмуд, гоҳ Огаҳий, гоҳ Аваз Утар, гоҳ Мунис булиб тилга кирган, шеърга кирган

элбу. Қизгина, улар зиёсидан томган шуъла қароғларингда ёлқинланаётган. Кичрайма, мен хоразмликман, дея товушлардаги салобат куч булиб қўюлади жон-жиқминга. Амунигоҳингдан аввал юрагингда шовуллайди, чинорлар билан, минорлар билан хаёлинг юксалади. Айт, жоним, «Хоразмликман» де, «Ўзбекман, Ўзбекистонликман», де!

Қимматбаҳо матоларга сочилган хаёлинг йғилиб келсин, муҳаббат булиб йғилиб келсин! Ва сенга, Озод Ўзбекистон қизчасига, ҳавас билан қараганлар яна бир Хоразмий бобомизнинг мангу тирик сатрларини такрорласинлар:

Юзингнинг нурина  
минг нур етмас!

Қутлибека  
РАҲИМБОЕВА

«Исон табиатига болаликда сингдирилган фазилятларгина мустаҳкам ва ишончли бўлади»-деган эди дошмандлардан бири. Азиз болалар, юқоридаги гапни келтиришимнинг боиси, сизнинг бизга йўллаётган мактубларингиз туфайлидир. Сизларнинг мактубларингиздан ўзбекона гурур, номус тўйгуларни уфуриб турибди. Бугун биз бир туркум хатларни эътиборингизга ҳавола қилар эканмиз, мактуб муаллифларига ўз миннатдорчилигини билдирамиз. Улардаги газетамизнинг саҳифаларига бўлган қизиқувчанлик бизни жуда хурсанд қилди. Болалар, сиз ҳам тенгдошларингиздан ўрнак олинг, бизга ёзинг, газетамизга муносабат билдиринг.

## МЕН КИМНИНГ БОЛАСИМАН?

Ешим ун бешда. Исми Умиджон. Яқинда ўзим ҳақиқатдаги бир ҳақиқатни билиб қолдим. Шундан бери тинчимни йўқотдим...

Воқеа бундай бўлди. Қўшнимиз Севар холанинг ўғли Камол билан битта синфда ўқиймиз. Биз жуда ҳам калин дўстмиз. Учта қизнинг орасида ўсгани учунми, Камол анча эрка ва тантиқ. Дўсти бўлганимдан кейин унинг ҳамма хархашасини, инжиқлигини кўтараман, деб ўйлардим. Бир куни у билан иккаламиз дарвоза олдида тўп тепаётсак, тўп Камолнинг нақ бошига тегди, у ўзини тутолмай бақриб юборди. Севар хола эрка ўғлининг овозини эшитиб кўчага чиқди. Мен дўстимни тинчлантириш учун: «Йигитмисан? Ўйинни чидаганга чиқарган», - дедим. Бизни кузатиб турган Севар холага негадир бу гапим ёқмади, шекилли, бирам шаллақлик қилди, рости уялиб кетдим. Бу хали холва экан. У менга кўрсаткич бармоғини ниқтаб: «Энди келиб-келиб сен хароми йигит бўлдингми, топилдик?» - деди ва Камолни судраб уйига олиб кириб кетди. Мен эса нима қилишимни билмай, кўчанинг ўртасида какқайиб турдим-да, кейин Севар холанинг ортидан югурдим. Ундан: «Хола, нега мени хароми дейсиз? Бу ёмон гап-ку», - дедим. У менга ўқрайиб қаради-да: «Бор тутинган онангдан сўра, бу гапни» - деди.

Мен уйга қандай кириб келганимни билмайман. Онам билан дадам сўрида чой ичиб ўтиришган экан. Укаларим бўлса ховлида ўйнаб юришарди. Лекин бир алфозда кириб келганимни кўрган онам югуриб ўрнидан туриб: «Вой ўғлим, сенга нима бўлди?» - дея мен томон кела бошлади.

Мен эса ғазабдан қалт-қалт титраётган гавдамни тик туттишга урилиб, сўрадим: «Она, ростини айтгинг, мени нега хароми, топилдик дейи-

шади?».

Мен томон келаётган онамнинг ранги қув ўчса-да:

-Ақлингни едингми ўғлим, сен ўзимнинг боламсан, ким айтди, бу ёлғон гапни?» - деди-ю йиғлаб юборди. Мени алдашга кўзи етмаган ўтириб олиб бўлган воқеани бир бошидан хикоя қилиб бердилар. Мени бир ёшгина талаба қиз туғиб, туғруқхонага ташлаб кетган экан. Онам ўша ерда ҳамшира бўлиб ишларканлар. Анча вақтлар фарзанд кўришмагач, дадам билан маслаҳатлашиб мени асраб олишибди.

Мени пойқадамим хуш келибми, шундан сўнг бирин-кетин учта фарзанд кўришибди.

Менинг бегоналигимни сира билдирмай катта қилган онам билан дадамга Севар холанинг кўрсатган томошаси жуда оғир ботди. Эҳей, қанақанги орзуларим бор эдики. Энди ҳаммаси қаергадир учиб кетганга ўхшайди. Ҳаммадан яшириниб яшагим келади. Кўчага чиқишга ўртоқларимдан уяламан. Гўё ҳамма менга «хароми, топилдик» деяётганга ўхшайди. Ота-онам менинг бу ҳолатимдан эзилиб кетишиди. Лекин мен ҳам нима қилай?... Ҳақиқатни айтадиган бўлсак: «Мен кимнинг боласиман, ўзи. Наҳотки, ўз боласини ташлаб кетадиган бераҳм ота-оналар бўлса дунёда?!».

Менга йўл кўрсатинг, нима қилай, ўз ота-онамни топиб, улардан ўчимни олайми ёки тутинган ота-онамнинг бағрида тинчгина яшай-верайми?

**УМИДЖОН, Самарқанд вилояти, Хатирчи тумани**



## ҚИЗ БОЛА ОДАМ ЭМАСМИ?

Яқинда ойижоним уйимизга янги чақалоқ олиб келди. Унинг исмини Гулчехра деб қўйдик. Мана энди биз учта қиз бўлдик. Аммо дадам уйимизга чақалоқ келган кундан бошлаб ҳар куни ойижонимни хафа қилиб уришадилар. Хатто бир куни: «Менга фақат қиз туғадиган хотиннинг кераги йўқ», деганларини эшитиб роса хафа бўлдим. Ойижоним жажжи сингилчам Гулчехрани бағриларига босиб роса йиғладилар. Нега оилада қиз бола туғилса хурсанд бўлиш ўрнига «Яна қизми?» - дея зарда қилишади. Нима қиз бола одам эмасми?!

**ГУЛМИРА, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани.**

## ОПАМНИНГ БАХТИ

Гарчи исми Гулсума бўлса-да, уйдагилар мени «Қақажон» дейишади. Хатто асл исми кишиқлоқдагиларимиз ҳам унуттишган бўлса керак.

Мени кўча-қўйда кўришса, қисқагина қилиб: «Қақажон, қалайсан?» - деб қўйишади. Бу исмга сазовор бўлишимга менинг ҳамма нарсасига қизиқишим, шўхлигим ва ростгўйлигим сабаб бўлса ке-

рак. Мана ҳозир сизга мактуб йўллаб туриб «Опамнинг ҳаётидаги воқеалар ҳақида ёзиб тўғри қилайманми», - дея ўйлаб қолдим. Яна ўша ростгўйлигим устунлик қилса, мен айбдор эмасман-ку.

Насиб этса бу йил 11-синфда ўқийман. Роса кўп бадий ва шеърий китоблар ўқиганман. Ҳаммасида муҳаббат улуғланиб, олқишланади. Опамнинг ҳаётида яқинда бўлиб ўтган бир воқеа менда дунёда муҳаббат деган нарсанинг ёлғон эканлигини кўрсатди.

Опам Бухоро шаҳридаги университетнинг адабиёт бўлимида биринчи курсда ўқир эди. Тошкентда ўқийдиган, ўзимизнинг қишлоқдошимиз Бахриддин деган йигит билан мактаб давриданок бир-бирларини севишиб юришарди. Йигитнинг уйдагилари уйимизга совчи жўнатишавериб, безор қилиб юборишди. Охири дадам опамни чақириб, унинг кўнглини билгач унаштириб қўйишди. Ўша куни бечора опам шунақанги хурсанд бўлдикки, асти қўяверасиз...

Орадан олти ойлар чамаси вақт ўтди. Ёз кунларининг бирида опам дугоналари билан чўмилишга бориб, сувга сакраганида кўзига ўткир нарсаси кириб кетиб, бир қанча вақт касалхонада ётиб чиқди, аммо бир кўзи ногирон бўлиб қолди. Худди кўнгли бир нарсасиздек, ойнага қараб: «Бунча бахтсизман-а», деб йиғлай-верарди. Бу орада почча бўлмиш Бахриддин ака Тошкентдан келди. У билан учрашиб қайтган опам нима учундир жуда ҳам ғамгин эди. «Нима бўлди, опа?» - дея сўрадим опамдан. У бўлса кўзини битта нуқтага тикканича: «Сўрама, Қақажон, ҳаммаси тугаганга ўхшайди», деди-ю йиғлаб юборди. Ўша опам билан Бахриддин ака учрашган куни, негадир у опамнинг саволларига истар-истамас жавоб қайтарибди ва: «Унаштиришга шошилиб хато қилибман, шекилли» - дебди совуқкина қилиб.

Бирор хафта ўтар-ўтмас, уйимизга Бахриддин аканинг онаси билан холаси келишди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ бечора онам «Қудалар келишибди» - деб ўзини сувга-ўтга уриб, дастурхон ясагиш билан овора. Мен ичкари уйдан туриб икки қудаларнинг бир-бирларига маъноли кўз уриштириб олишларини кўрдим-у, кўнглим ёмон нарсани сездим. Хуллас, ўша куни улар у ёқдан-бу ёқдан гапириб ўтириб, охири муддаога кўчишди. Ўғлимиз хали уйланмайман, деярли деди онаси, холаси уни маъқуллаб турди. Онам соддалик билан: «Майли, ўргилай, тўйни кейинроқ қилаверамиз, ҳали бизнинг ҳам қўлимиз калталик қилар» дея аҳволларини тушунтирган бўлдилар. Охири қудалар гапнинг пўст-калласини айтиб, тўйни қайтармоқчи эдик, дейишди.

Энди уларнинг мақсади-



ни тушунган онам дадам ва амакиларимни чақирдилар, маслаҳатлашиб ўша куни тўйни қайтаришди. Бечора опамнинг юраги ёмон бўлиб яна касалхонага тушди. Опам касалхонада ётган пайтларида, Бахриддин акага кишлоғимиз раисининг қизини унаштиришди. Бу воқеа бизнинг оиламизга жуда ёмон таъсир қилди. Шундай бўлса-да, онам опамнинг бахти хали олдинда деган гапни тез-тез такрорлайдиган бўлди. Опам бўлса ўша кунлари жонсиз хайкалга айланди. Мен эса опамнинг кўнглидаги муҳаббатни яқсон этган Бахриддин акани жуда ёмон кўриб қолдим. Онам айтгандай, опамнинг бахтлари хали олдинда. Хусни учун севган одам барибир кун бевафолик қиларди. Шундай эмасми? Сизга манзилимни аниқ ёзардим-у опам хафа бўладилар-да... Шунинг учун ёзмадим.


**ГУЛСУМА, Бухоро вилояти, Фиждувон тумани**

## УЙИМИЗГА ЎТАЙ ОНА КЕЛДИ

Уч йил олдин ўзимнинг меҳрибон онажоним оғир касалга чалиниб ўлиб қолди. Ўшанда мен 5-синфда ўқирдим. Учта укам ва мен онасиз қолдик. Энг кичкина укам онам ўлганларида 3 ёшда эди. Ҳозир у 6 ёшда, яқинда мактабга боради. Дадамнинг акалари ўртага тушиб, уларни кўшни қишлоқлик бир хотинга уйлантирдилар. Ростини айтсам мен бунга қарши чиқдим. Бобом билан бувим: «Сен хали ёшсан, кўп нарсасига тушунмайсан», деб уришдилар.

Дадамнинг хотини бизга бошида яхши гапириб, укаларимни эркалатарди. Ҳозир эса худди бизга ўчакишиб қолгандай ҳар куни бизни дадамга чақади. Уни айтгани айтган, дегани-деган. Хатто, яқинда дадам кичкина укамни қайиш билан саваладилар. Ўша куни мен укаларим ва ўзимнинг кийимларимни йиғиштириб, энди бувим (онамнинг онаси) никига кетамиз деб турганимда, дадам келиб қолдилар ва мени бир шапалок уриб: «Ҳеч қайси гўрга бормайсан. Мана шу аёл энди сенинг онанг, агар шунинг айтганидан чиқсанг, каллангни оламан», - деб сўқдилар. Уйимизга ўтай она келди-ю, бизнинг тинчимиз бузилди. Энди нима қилишни билмай бошим қотган, фақат ўзимнинг онажонимни соғиниб йиғлайман, холос. Менга йўл кўрсатинг, нима қилай?

**Зайнаб, Қашқадарё вилояти Қамаш тумани.**



# ЁШ ИҚТИСОДЧИ

## YOSH IQTISODCHI

“Тонг юлдузи”га илова  
иқтисодий газета



### БАЙРАМГА ҚОЛДИ ЯҚИН

- **Мустақиллик дегани нима ўзи?** - деб сўраб қолди жияним Баҳодир.

- Мустақиллик дегани юртимиз тинчлиги, оиламиз фаровонлигидир. Мустақиллик бу ўзимиз мустақил иш бажаришимиздир. Бугунги кун учун ота-боболаримиз курашиб келганлар. Улар орзу қилган кун келганлигидир. Ўзлимизни англаганимиздир.

- **Байрамимизнинг неча йиллигини нишонлаймиз?**

- Бу йил байрамимизнинг етти йиллигини нишонлаймиз.

- **Нечанчи йил мустақилликка эришганмиз?**

- Биз Мустақилликка 1991 йил 1 сентябрда эришганмиз. Мустақил бўлганимиздан кейин ўзимизнинг байроғимиз, гербимиз, мадҳиямиз, конституциямиз бор.

- **Нима учун байроғимиз тепаси кўк рангда?**

- Осмонимиз мусаффолигини, ҳавонинг рангини билдиради.

- **Байрамга мени ҳам олиб борасизми?**

- Ҳа, албатта олиб бораман.

- **Мустақилликка аталган шеърингиздан айтиб беринг.**

- Мен ҳозир Байрамга қолди яқин деган шеъримни айтиб бераман:

**Кувнок, хушнуд, шодон дил,**

**Булбул каби сайрар тил.**

**Таътил соз ўтди тагин,**

**Байрамга қолди яқин.**

**Малика АЗИМОВА,**

**Тошкентдаги 111-мактабнинг, 6-“Б” синф ўқувчиси.**



ЭПЛИ ҚИЗ...

### ИСТИҚЛОЛ ВА ИСТИҚБОЛ

## БУ - БИЗНИНГ ЙЎЛИМИЗ

**Замон Фарҳодлари тоғни ушатиб Хитойга йўл очмоқда**

Ростини айтсам, мен шоир эмасман. Адабиётдан билимим ҳам ўртача. Жисмоний тарбия - жону дилим. Лекин шу кунларда шоир эмаслигимдан жуда хафа бўлиб юрибман. Нега дейсизми? Эшитинг:

Яқинда дадам олти юз қирқ минг сўмга янги “Тико” автомобили сотиб олди. Ёзги таътил вақтингда бир ўйнатиб келай, деб мени машинасида ўзи билан бирга Тошкентга олиб борди. Дадамнинг айтишича, Тожикистон орқали ўтадиган автйўл вақтинча биз учун берк экан. Наманган-Қўқон-Ангрен орқали ўтадиган доvon йўлидан кетдик. Андижондан Тошкентга машинада биринчи марта юришим. 2-3 соат текисликда юрганимиздан сўнг йўл бизни тоғлар орасига олиб кириб кетди. У ёқ - тоғ, бу ёқ - тоғ, ўртаси - йўл. Кенглиги икки қатор машина сиғадиган! Йўл бўйида ҳар ер, ҳар ерда тоғлик болалар тоғорачаларда ўрик-шафтолилар, косаларда курту, банкаларда асал сотиб ўтиришибди. У ер-бу ерда чойхоналар, тижорат дўкончалари... Қаршимиздан ҳар дақиқада ўнчача енгил машиналар, ичи одам тўла “Дамас”лар ўтади. Атрофни томоша қилиб кетиб сезмай қолибман: ярим йўлга етибмиз. У ерни “Қамчиқ довони” дейишаркан. Йўлимиз бирдан кенгайиб кетди. Баланд-паст қирлар ёнбағридан бораётган турнақатор машиналар бирдан баланд, жуда баланд доvon елкасига чиқиб кетди. Пастга қарашга юрагим дов бермайди. Дадам биз текисликдан 2 ярим километр баландга чиқиб кетганимизни айтганда нафасим ичимга тушиб кетди.

- Мен сени ботир ўғлим десам... - деб танбех берди рулда кетаётган

дадам. - Бу ерлардан бир-икки йил олдин юрганимизда нима қилардинг экан!..

Дадам Довон йўли тарихини сўзлай кетди. Авваллари бу тоғлар бағридан фақат бир туя сиғадиган ёлғизоёқ сўқмоқ бўлган экан. Бундан ўттиз-қирқ йил олдин уни пода йўлга кенгайтиришибди. Шу-шу бу қалтис йўлдан жуда шошилиб турган йўловчилар ўз машиналарида “юрак ютиб” ўтадиган бўлибди. Йўлнинг торлиги, гоҳ баландга ўрмалаб, гоҳ ўрга тик тушиши, баъзи жойларда атай ҳазиллашгандек йўлнинг қайта-қайта иланг-биланг қайрилишлари қатнов учун жуда хавфли экан. Узоғи йили дадам ўз “КамАЗ”ида шу йўлдан ўтган кунни бир кунда бу ерда 12 та машина авария бўлиб қирдан жарга қулаб ётганини дадам ўз кўзи билан кўрган экан...

Бунақа аҳволни тузатишни ўйлаб туриб, ҳукумат бир йўла жуда катта ишларни бошлаб юборибди. Пойтахтимизни Фарғона водийси билан боғлайдиган Довон йўлини кенгайтириб, бурама-бурама бўлган иланг-биланг жойларини текислаб, уни халқаро йўлга айлантириш режаси тузилибди. Режага бир неча Европа мамлакатлари, Қирғизистон, Қозғистон у ёғи Хитой давлати ҳам қўшилибди. Ҳамма ўзига яраша ишни бажаришни бўйнига олибди.

Энди у Тошкент-Ангрен-Андижон-Ўш-Қашқар йўлига айлантирилаётган экан. Ўша қадимги Буюк Ипак йўлининг бир қисми бўлган туя зўрга сиғадиган йўлнинг кенглигини

бугун 25 метрга етказишаркан. Бунинг учун йўлнинг ўнг томонида чўп тушиб турган чўққилар, қояларни йўлсозлар энг замонавий машиналарда ёнгоқ чаққандай чақиб, харсангошларни йўлнинг чап томонидаги жарга тўкаётди. Бир сўз билан айтганда, тоғни бу ёнбошига ағдараётди. Завқим келиб кетди. Ҳавасим келиб кетди. Бирдан уларни Фарҳодга ўхшатиб юбордим. Йўк, ўзим Фарҳодга ўхшагим келиб кетди. Мана, буюк Алишер Навоий улуғлаган паҳлавон Фарҳод кўз олдимда тоғни ушатиб йўл соларди. Қизиги, бу йўл Ўзбекистонимизни Хитой билан боғлайди.

Мен Фарҳод бўлишни орзу қилдим, лекин бугун бу ишларни удалашга ёлғиз Фарҳоднинг кучи етмаслиги аниқ. Миллионлаб теша, чўқмор ўрнига ишлаётган замонавий улкан механизатор ҳам буюк қудратли намойиш этарди. Ҳа, шу кунларда ўзбек халқим ягона Фарҳод бўлиб янги йўл очмоқда. Бу йўлни очишга Мустақиллик имкон берди. Бу биз учун очилган йўлдир.

Чўққи бағридан оҳиста пастга элтвучи йўл бир жойга етганда янада кенгайди. Аниқроғи, бир майдончага туташди. Негадир шу ерда ҳамма автомобилни тўхтатиб, ундан тушар ва чималарнидир томоша қилиб, ўзича хурсанд ҳолатда яна йўлга чиқарди.

Биз ҳам тўхтадик. Бу ерни “Резаксой доvони” дейишаркан. У ерда улкан тош доvon бағрида йирик-йирик 2 та “тандир” бор эди. Билсам,

улар Резаксойни Қамчиқ доvони билан боғлайдиган тоғости йўлининг кириш ва чиқиш дарвозалари экан. Бу тоннел йўллар битай деб қолибди. Улар битса, машиналар доvonлар устига ўрмалаб, қийнаиб чиқишдан қутулар экан. Пастликда равон йўл пайдо бўларкан. Ундан ҳар қанақа юк машиналари карвонлари ҳам миқ этмай қатнай олади. Ана унда бутун Европа Шарққа жўнатадиган юк карвонларини бизнинг Довон йўли орқали жўнатаркан. Бу дегани - мамлакатимизга бу йўл кунда қанча-қанча даромад келтиради дегани. Ўзбекистон хазинасига долларлар оқиб келадиган йўл дегани. Бу - халқимизга янги дўстлар кириб келади, дегани. Бу - сизни, мени дунёга олиб чиқади, дегани.

Йўк, мен Довон йўлига яхши таъриф беролмайман. Адабиётни яхши ўқимаганим панд беряпти. Шоир эмаслигим панд беряпти.

Нима ҳам дердим?! Мен жисмоний тарбияни яхши ўзлаштиряпман. Қўрқмас, мард, паҳлавон йигит бўлиб ўсяпман. Бу йўлларда ҳали менга муносиб ишлар ҳам бор. Насиб этса, яна 3-4 йилдан кейин мана шу тоғлар бағрида, Довон йўли ёқасида менинг ҳам халқаро хусусий автофирма бўлади. Балки шаҳарча қураман. Қолган гапни ана ўшанда гаплашамиз.

Бизнинг йўлга марҳамат, дўстлар. Мен ҳозир тоғ бағридан ўзим корхонамни қаерга қуришни мўлжаллаб кўйдим. Сиз ҳам бу йўлдан ўтганда дилингизга катта ният тугинг. У ижобат бўлишига шубҳа йўк!

**Рустам ПАРПИЕВ,**  
**Андижон туманидаги 1-ўрта**  
**мактабнинг 6-синф ўқувчиси.**  
**(Хортум қишлоғи).**



# КРЕДИТ

## У НИМА?

Кредит деганда ўз эгалари қўлида вақтинча бўш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маълум муддатга ҳақ тўлаш шarti билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан муносабатлар тушунилади.

Кредит муносабати икки субъект ўртасида юзага келади: бири пул эгаси, яъни қарз берувчи; иккинчиси пулга муҳтож, яъни қарз олувчи. Кредит товар ва пул кўринишидаги маблағларни:

- \* қайтариб беришлик,
- \* муддатлилик ва
- \* фоиз тўлаш

шартлари асосида бериш натижасида юзага келади.

## КРЕДИТ СУБЪЕКТИ ВА ОБЪЕКТИ ДЕГАНДА НИМАНИ ТУШУНАСИЗ? БЎШ ПУЛЛАР НЕЧА ХИЛ БЎЛАДИ ВА УЛАРНИНГ ҚАНДАЙ МАНБАЛАРИ МАВЖУД?

Кредит субъектлари ҳар хил бўлиши мумкин. Буларга корхона, фирма, ташкилот, давлат ва турли тоифадаги аҳоли киради.

Кредит объекти - бу ҳар қандай пул эмас, балки фақат вақтинча бўш турган, берилиши мумкин бўлган пуллар ва товарлардир.

Бўш пул уч хил бўлади:

- \* тадбиркорлар ёки катта пулдорлар қўлидаги пул, яъни пул капитали;
- \* аҳоли қўлидаги пул - эртами-кеч эҳтиёжни қондириш учун тўпланган пул, эгаси қўлида капитал эмас, балки истеъмолни қондириш воситаси;
- \* давлат ихтиёридаги пул. Бу пул ҳам капитал (давлат корхонаси учун), ҳам умумий истеъмол пулидир.

## ҚАНДАЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРАДИ ВА УНИНГ ЖАМИЯТДАГИ РОЛИ ҚАНДАЙ?

Кредит тўрт хил вазифани адо этади.

Биринчидан, пулга тенглаштирилган тўлов воситаларини (масалан, вексел, чек, сертификат ва ҳ.к.) юзасига чиқариб, уларни хўжалик оборотида жалб қилади.

Иккинчидан, у бўш пул маблағларини ҳаракатдаги, ишдаги капиталга айлантириб, пулни пул топади, деган қондани амалга оширади.

Учинчидан, қарз бериш орқали пул маблағларини турли тармоқлар ўртасида қайта тақсимлаш билан ишлаб чиқариш ресурсларининг кўчиб туришини таъминлайди.

Тўртинчидан, қарз бериш, қарзни ундириш воситалари орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантиради.

## КРЕДИТ ВА МОЛИЯ ТУШУНЧАЛАРИ ЎРТАСИДА ҚАНДАЙ УМУМИЙЛИК ЁКИ ФАРҚЛИ ТОМОНЛАРИ БОР?

Кредит ва молия тушунчалари ўртасида бир томондан умумийлик бўлса, иккинчи томондан фарқли жиҳатлари мавжуд.

Агар молия барча хўжалик субъектларининг ўзига тегишли пул маблағлари хусусидаги алоқаларини англатса, кредит, бундан фарқлироқ, ўзга мулки бўлган қарзга олиб ишлатиш борасидаги муносабатларни билдиради ва бозор муносабатларининг бир унсури ҳисобланади.

Молия билан кредитнинг умумийлиги шуки, уларнинг ҳар иккаласи ҳам пул маблағлари юзасидан бўлган муносабатларни жамлаш ва ишлатиш усулининг ҳар хил бўлишидан келиб чиқади.

Молияда ўз мулки бўлган пул ресурсларини хоҳлаган вақтда, ҳеч бир ҳаражатсиз ишлатилиши мумкин. Кредит эса ўзгалар пул маблағини ҳақ тўлаган ҳолда вақтинча ишлатиб туриш ва муддати келганда қайтариб беришни англатади. Кредит товар-пул муносабатларига хос бўлган ва пул ҳаракатини билдирувчи категориядир.

## БАНК КРЕДИТИ ДЕГАНДА НИМАНИ ТУШУНАСИЗ?

Банклар ва бошқа кредит ташкилотлари пулни унинг соҳибларига фоиз тўлаш шarti билан ўз қўлида жамлайдилар ва ўз номидан қарзга бериб, фоиз оладилар. Бунда уч субъект:

- \* пул эгаси
- \* кредит ташкилоти ва
- \* қарз олувчининг кредит алоқаси пайдо бўлади.

Воситачилар орасида тижорат банклари марказий бўгин ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти" тўғрисидаги қонунига кўра, тижорат банклари акцияли, пай асосида ташкил топган ва хусусий банклар бўладики, улар "кредит-ҳисоб-китоб ва ўзга хил банк хизматини кўрсатадилар". Тижорат банклари бозор иқтисодиётининг таянчидир.

Банклар қарзни ишончли, пулни самарали ишлатишга қодир хўжалик субъектларига қарз берадилар. Улар ўз навбатида бу пулни инвестиция учун сарфлаб, иқтисодиётни ўстиришга эришадилар. Банк ишончли мижозларни танлаган ҳолда, қарзни уларнинг мол-мулки ёхуд бошқа бойлиги гаровга қўйилган шароитда беради. Масалан, банк фермерга 15000 доллар қарз берса, унинг гаровга қўйилган мулки қиймати шу йиғиндидан кам бўлмайди.

## ИСТЕЪМОЛЧИ КРЕДИТИ ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛАДИ?

Тижорат банклари тадбиркорлик учун фирмаларга қарз берса, истеъмолчиларга товар сотиб олиш учун қарз беради. Бунинг натижасида истеъмолчи кредити пайдо бўлади. Масалан, АҚШда банклар истеъмолчиларга кредит карточкалари беради, уларга нархи 2500 долларга қадар товарлар харид этилади, харид пули банклар магазинлар берган счётга қараб тўланади. Бундай кредит гоёт имтиёзли бўлади, унинг фоизи бошқача қарз фоизидан кам бўлади, ҳатто фоизсиз ҳам бўлиши мумкин.

Талабаларга ўқиш ҳақини тўлашлари учун махсус қарз берилади. Бу қарз учун фоиз энг кўп бўлганда 8% белгиланади, қарз йилига 2500 доллар, охири курсда эса 5000 доллар миқдорда берилади. Бундай қарзни талаба ўқишини тугатиб, пул топган узади.

Истеъмолчи кредити аҳолининг истеъмол эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган. У товар ва пул шаклида бўлиши мумкин. Хусусан, яқка тартибда уй-жой қуриш мақсадларига бериладиган узоқ муддатли кредитлар - пул шаклидаги истеъмолчи кредитларидир.

## ТИЖОРАТ КРЕДИТИ ДЕГАНДА НИМАНИ ТУШУНАСИЗ?

Тижорат кредити - бу сотувчиларнинг харидорларга товар шаклида берадиган кредитидир. Бунда товарлар маълум муддатда пулини тўлаш шarti билан насияга берилади. Тижорат кредитини насияга олувчи унинг эгасига вексел (қарзнинг мажбуриятномаси)ни беради.

Насияга олиш орқали берилган қарз йиғиндиси товарнинг эл қатори нархи ва миқдорига боғлиқ бўлади. Масалан, 1000 метр духоба насияга ҳар бир метри 2 доллардан берилди. Бунда духоба эгасининг харидорга берган қарзи 2000 долларни (1000\*2) ташкил этади.

Тижорат кредитида фоиз насияга сотилган духоба нархига устама шаклини олади, шу сабабли, духоба насияга эл қатори нархдан юқори нархда берилади. Масалан, духоба нақд пулга ҳар метри 2 доллардан

сотилса, насияга 2,5 доллардан берилади. Мана шу 0,5 доллар устама фоиз бўлади. Бизнинг мисолимизда 1000 метр духоба устама 500 долларни ташкил этади (1000\*2,5=2500; 2500-2000=500).

Бевосита кредитнинг оммавий кўринишларидан бири қимматбаҳо товарларни (автомашина, уй, телевизор, компьютер, яхта, видеомагнитофон ва ҳ.к.) аҳолига насияга сотишдир. Бундай кредит товарларни бўлғуси даромад ҳисобига сотиш учун қўлланади. У тўйинган, товарлар етарли, бинобарин, тақчиллик йўқ бозорда қўлланади.

Билвосита кредит пул эгалари маблағларини кредит ташкилотларининг воситачилигида қарз олувчиларга берилишидир. Кредит ташкилотларининг бош бўғини банклардир.

## ҚАНДАЙ ШАКЛАРИ МАВЖУД?

Кредит алоқалари пул эгаси билан қарз олувчи ўртасида бевосита ва билвосита бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда улар тўғридан-тўғри муомалага киришади. Иккинчи ҳолда улар алоқаси воситачилар орқали юз беради. Шунга қараб кредитнинг қуйидаги асосий шакллари келиб чиқади:

1. Тижорат кредити
2. Банк кредити
3. Истеъмолчи кредити
4. Давлат кредити
5. Халқаро кредит.

## ДАВЛАТ КРЕДИТИ ДЕГАНДА НИМАНИ ТУШУНАСИЗ?

Банклар давлатга ҳам қарз беради. Шу билан бирга ундан қарз ҳам олади. Бунда давлат кредити пайдо бўлади. Қарз ва унинг фоизи бюджет ҳисобидан қайтарилади. Давлат кредити шароитида қарз берувчилар камдан-кам ҳолларда банклар бўлади. Кўпинча бу вазифани аҳоли, фирма, корхона ва ташкилотлар ўтайди.

Давлат қарзни турли шаклда, энг аввал давлат заёмлари (заём - русча қарз демакдир) шаклида олади. Заём давлатнинг қарздорлик гувоҳномаси бўлиб, у қарзни вақти келганда қайтариб олиш ва фоиз тўлашни кафолатлайди. Заёмларни марказий ва маҳаллий ҳокимиятлар чиқаради. Заёмлар қарз ҳақи тўлаш жиҳатдан фоиз тўланадиган, ютуқ

чиқадиган, ҳам ютуқ, ҳам фоиз бериладиган ва баъзан фоизсиз ҳам бўлади.

Кредит муносабатларида давлат фақат қарздор вазифасини ўтамай, қарз берувчи родини ҳам бажаради. Давлат ўз маблағлари ҳисобига банкда қарз фондини ташкил этади, хазинадан қарз ҳам беради. Хазина қарзи давлат бюджетидан корхона, фирма ва ташкилотларга уларнинг молиявий санацияси (соғломлаштирилиши) учун сарфланади. Мазкур қарз ҳам маълум муддатга, қайтариб бериш ва фоиз тўлаш шarti билан берилади. Аммо фоиз гоёт имтиёзли бўлади ва даромад олишни кўзламайди. Давлат ўз қарзидан воз кечиши ҳам мумкин.

**Ё.АБДУЛЛАЕВ, Т.БОБОҚУЛОВ**

## ССУДА ВА ССУДА (ҚАРЗ) КАПИТАЛИ БОЗОРИ ДЕГАНДА НИМАНИ ТУШУНАСИЗ?

Қарзга бериладиган пул ссуда дейилади. Агар қарзга берилган пул ишга солиниб, янгидан пул топиш даромад олиш учун ишлатилса, у ссуда (қарз) капитали шаклини олади. Агар қарз шахсий истеъмолни қондиришга хизмат қилса, одатдаги пул қарзи бўлади, холос, чунки унда капитал белгиси бўлмайди.



## МИРСАИДНИНГ ФИШТЛАРИ

Тўғриси, ягона ўғлимнинг бу қадар ҳаракатчан, меҳнаткашлиги мени жуда-жуда хурсанд қилади, кўнглимни гуругга тўлдирди. Кўз тегмасин, ишқилиб.

Мирсаид Бағдод туманидаги Анвар Муқимов номли мактабнинг 6-синфида ўқийди. Ўқиши - ўртача. Севгани - футбол. Таътилга чиқди-ю, менга қизиқ бир таклиф қилиб қолди:

- Дада, фишт қолипигиз қачондан бери бўш ётибди. Лой қориб Бахтиёр, Шукурларни ҳашарга айтиб, фишт кўйсақ. Ўқтам айтди, хом фиштни одамлар сотиб олишармиш. Олишмаса, ўзимиз оғил кураимиз.

Бу гапдан, албатта, хурсанд бўлдим. Бекорга кўча чангитиб юргандан кўра, яхшида. Ўзим дастлаб бирикки юзтача фишт кўйиб кўрсатдим. Шу-шу Мирсаиднинг ҳам кўли келиб қолди. Ана-мана дегунча ўртоқлари билан кўйган хом фиштлири 4 минг дона бўлибди.

Фиштлар дарров харидор ҳам топила қолди. Айтгандек, ҳамқишлоқларимиздан

бири хом фиштинг донасини бир сўмдан сотиб олди. Кўлига 200 сўм пул бердим.

- Ма, марказга бориб, музқаймоқ олинглар, дам олиб келинглар.

- Йўқ, дада, бўпти десангиз, шу пулга кўни-қўшнлардан ортиқча сутларини сотиб оламан. Янгикўрғондаги "морожнихона"лар оларкан. 10 сўмдан олсам, 15 дан уларга "ураман"... Нима дейсиз. Шу ёшдан меҳнат билан, тадбиркорлик билан пул ишлаётганига хурсанд бўлдим. Ҳам кўнглимга сал хавотир тушди. Пулга тузоқ кўйса...

- Кейин-чи, пулни нима қиласан?

- Биринчи ўринда, китобларимни ўзим сотиб оламан. Ортса, битта тўп. Биласизми, дада, бизга бутун синфга 1 дона "Тонг юлдузи" келади. Икки бетдан, "бўлишиб" ўқиймиз. Агар яхши фойда қилсам, обуна бўламан...

Нимаям дердим. Устоз Фафур Фулом айтмоқчи: "Балли дейман, ўғлим!"

**Зоҳиджон НЕЪМАТОВ,**  
Бағдод райони.



*Ассалому-алайкум ҳурматли  
"Ёш иқтисодчи"!   
Мен рўзноманинг ҳар бир сонини  
қолдирмай ўқиб бораман. Айниқса, шоирларнинг ҳаёти ва  
ёзган шеърлари мени қизиқтиради. Ўзим ҳам машқ қилиб  
тураман. Абдулла аканинг икки сатрини ҳам давом эттириб  
шеър ёздим. Марҳамат.*

## ВАТАН

*Ватан - ниҳол....*

*Бизлар ундан*

*Нишонимиз*

*Ушнинг доим*

*Балқизица ишонимиз.*

*Ватан дея,*

*Доим бизлар Парвонамиз.*

*Ватан дея*

*Доим бизлар*

*Кўп ёнамиз.*

*Юртга чирой*

*Бағишлаймиз*

*Ватанни биз*

*Олқишлаймиз.*

*Озод Ватан*

*Ҳақида*

*Кўплаб шеър*

*Битгаймиз.*

*У - пойдевор*

*Биз бир кунни*

*Битказгаймиз!*

**Жамшид Аҳмедов,**  
Андижон вилояти, Асака туманидаги  
16-мактабнинг 6-иқтисод синфи ўқувчиси.

## КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАМИЗ "ЭХТИЁТКОР"

- Кўлни фартукка артиш яхши эмас, Хуршидахон. Нима, дастрўмолинг йўқми? - сўради "боғча опа".

- Бору, аям уни эҳтиёт қилгин дегандилар, - деди Хуршида.

## ЁКИМЛИ ДАРС

- Сенга қайси дарс ёқди? - сўради дадаси илк бор мактабга бориб келган Ферузадан.


- Ошхона дарси билан танаффус дарси, - давом қилди у.

## МАРАДОНА ВА МЕН...

- Дада, иссиқда футбол ўйнаса Марадонанинг ҳам боши оғрийдими? - сўради Акмал.

- Билмадим. Нимагайди? - сўради дадаси.

- Бошим оғрияпти-да, ўшанга.



**БУВИЖОНИМГА**

**МАКТУБ**

Ассалому-алайкум, Бувижон! Соғлигингиз яхшими? Ишлар билан чарчаб қолмайсизми? Отажоним, Лазиза холам, Шўҳрат акам, Нарғиза кенноним ҳам яхши юрибдиларми?

Моҳинур-чи? Кулишни ҳам ўрашиб олгандир. Ҳаммаларива "салом" айтиб кўйине.

Бувижон мендан сўрасангиз, раҳмат. Яхши юрибман. Боғчамни туғашива ҳам саноқли кунлар қолди. Сизни жудаям соғиндим. Айниқса, Моҳинурни кўрсим келяпти. Биз қишлоқдан келатган кунимиз Моҳинур саккиз кунлик чақалоқ эди. Уни кўрмаганимизга қирқ кундан ошди. Катта қиз бўлиб қолгандир.

Кеча ойижоним ҳисоблаб чиқдилар. Моҳинур менинг синелим Самодилдан роппа-роса икки ойлик кичкина экан.

Бувижон мен Самодилни жуда ҳам яхши кўраман. Сизга бир сирни айтайми, Бувижон, қулоғингизни берингиз, ойижоним эшитиб қолмасинлар. Мен шу кунларда тез-тез "касал" бўладиган одат чиқарганман. Ҳали қулоғим, ҳали бошим, ҳали оғрим оғриб қолади. Бу оғришлар Севинч боғчага кетгунча давом этади. Дадажоним Севинчни боғчага олиб кетишлари билан ўрнимдан тураман. Шу билан кунни бўйи Самодилга қараб ўтираман. Мана ҳозир ҳам дадажоним ишдалар. Ойижоним ошхонада овқат пиширяптилар. Севинч боғчада. Самодил ухлаб ётибди. Мен эса сизга хат ёзганман. Билмаган жойларимни ойижонимдан сўраб оляганман. Бувижон негадир "Ж" ҳарфини жудаям хунук ёзаман. Бунинг учун ойимдан нечи марта дакки ҳам эшитганман.

Айтганча, Бувижон, кеча мени туғилган куним бўлди. Табриклаб ўртоқларим таширлар буюришди. Шоҳдил ҳам келди. У менга ўзи ярадиган машина совға қилди. Балки Шоҳдил ким, деб ҳайрон бўлаётгандирсиз. Шоҳдил - Ҳалима холамнинг ўғиллари. Сиз уларни яхши танийсиз. Ҳалима холам шеър ёзадилар. Газета-журналларда расмлари билан шеърлари кўп чиққан. Телевизорда ҳам чиққанлар. Бувижон сиз шеър ўқишни яхши кўрасизку-а? Ҳалима холам ҳам бизга шеър ўқиб берадилар. Улар шеър ўқиётганида негадир ғалати бўлиб кетаман, йиғлагим келади.

Йи, мен туғилган куним ҳақида гапиратган эдим-ку...

Бувижон, ўтган йили туғилган куним эсингиздами, сиз ҳам уйимизга келувдингиз. Ёнадиған поезд билан футболчиларнинг суратлари туширилган кўйлак-шим олиб келгандингиз. Ўтган йили олтига тўлган эдим. Бу йил еттига тўлдим.

Негадир бу елги туғилган кунимда ойижоним билан дадажоним ўйинчоқ совға қилмадилар. Коптоқнинг расми туширилган папка билан мактаб формаси ва яна китоб, ручка, дафтларлар олиб келибдилар. Айниқса, менга ранели пластинин жуда ёқди. У билан боғча опам ўраётган кўн, айиқча, маймуларнинг суратларини бемалол ясаса бўлади.

Айтгандек, бу йил биринчи синфга бораман. Бувижон сиз ҳам етти ёшингизда бораганмисиз мактабга?

Тунов кунни дадажоним айтдилар, менинг ёшим мустақиллик билан тенг экан. Ва яна айтдиларки, мен бу билан фахрланшим, шунга лойиқ инсон бўлиб етишим зарур экан.

Бувижон, сизга кўп нарсаларни ёзмоқчи эдим. Самодил уйқудан уйғониб қолди. Агар эртага ҳам боғчага бормай уйда қолсам, хатимни давом эттираман.

Ҳозирча соғ бўлинг, Бувижон!

**Жавохир НОРҚОБИЛОВ,**  
Тошкент шаҳри.



## БИҚИН НЕГА САНЧИБ ҚОЛАДИ?



Мактабда физкультура дарсида болалар югурганида ўнг биқини санчиб қолади? Нега бундай бўлади?

Ўнг қовурга остидаги оғриқ кўпинча югурувчиларда, чангида учувчиларда, велосипед ҳайдовчиларда, яъни организм чидамини орттириш учун машқ қилаётганларда пайдо бўлади. Бу жигар, ўт йўллари ва меъда-ичак йўлининг бошқа органларидаги яллиғланиш касалликлари аломати бўлиши мумкин. Айтганча, у соппасоғ одамда ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Югурган пайтда ўнг биқин санчиб қолмаслиги учун кўпгина ҳолларда оддий талабларни бажариш мумкин: овқатни жисмоний нагрукдан 2-3 соат аввал ейиш, албатта разминка қилиш, зўриқишга йўл қўймаслик, нагрукка пайтида чуқур нафас олишга эътибор бериш лозим. Аксинча, тез-тез ва юза нафас олганда диафрагма атиги бир оз сурилади. Бу унинг сўрилиш функциясини сусайтиради, натижада юракка қоннинг келиши қийинлашади, қон жигарда тўпланади, оқибатда бу орган капсуласи чўзилиб, оғрийди.



## ҲАМ ҲАЁТИЙ, ҲАМ ИЛМИЙ САБОҚЛАР

Ёш боғбонларга ўсимликларни куёш тигида суғормаслик маслаҳат беришади.

**Савол: Нега шундай?**

**Бунинг сабабини оптика нуқтаи назаридан изоҳлаб беринг.**

**ЖАВОБ:** Ёш боғбонларга бундай маслаҳат беришларининг боиси қуйидагича: Ўсимлик баргига тушиб қолган сув томчисига нур тушиб, у ўзида куёшни акс эттиради. Натижада томчи қизиби, баргни куйдиради ("ўлдиради").

Баъзан синф доскаси ярқирайди.

**Савол: Қачон мана шундай ҳолат юз беради?**

**ЖАВОБ:** Қора сир билан бўялган доска ойналик хусусиятига эга бўлади. У оз миқдорда бўлса-да, тасвирни акс эттиради. Доскага тушаётган нурнинг тушиш бурчаги тўғри бурчакка яқинлашиши сари ундаги тасвир равшанлаша боради.

Дарё ва кўллар юзасида куёшга қарама-қарши ярқироқ йўл кўринади.

**Савол: У қандай пайдо бўлади?**

**ЖАВОБ:** Сув юзасидаги майда тўлқинлар ўзидан нур қайтаради. Бу нурлар турли йўналишда бўлади. Шунинг учун турли томондан қаралса ҳам, куёшга қарама-қарши томондан қаралганда сув юзасида нурли йўл кўзга ташланади.



## ИССИҚ КУНДА КИЙИНИШ

Ёзги кийим баданни куёшнинг жазирама иссиғидан сақлайдиган ва терининг намни буглантириши учун ҳаво ўтказадиган бўлиши керак. Газламаларнинг ҳаво, буг ўтказиши ва нам шимиши ҳар хил бўлади.

Терни ўзига яхши шимадиган газламалар организмда иссиқлик алмашинуви жароёнини бузмайди. Бу хусусиятлар табиий толалар ва баъзи сунъий толалар, масалан, вискоза ҳамда таркибида мис-аммиак толалар бўладиган газламалар учун хосдир. Шунинг учун ҳам бундай газламалардан тикилган кийимларни ёзда кийиш мумкин.

Бироқ шуларга қарамай, зиғир толаларидан тўқилган газлама ёз кунинда жуда қулай, гигиена жиҳатидан унинг олдида тушадигани йўқ. У бошқа газламаларга нисбатан намни ўзига яхши тортади, ҳаво ўтказиши, ювганда кири осон кетади, яхши дазмолланади.

Зиғир толасидан тўқилган газламадан кўйлак кийсангиз, ёзда муздеккина бўлиб, маза қилиб юрасиз, негаки у ҳатто ип-газлама, синтетик материалга қараганда тери

юзасидаги иссиқликни яхшироқ тортиб олади.

Синтетик толалардан тўқилган газламалар терни деярли шиммайди, бироқ ёғни ўзига яхши шимиб олади. Капрон, нейлон, силон ва шунга ўхшаш бошқа газламалар ёғ безлари ажралмаси билан тез кир бўлади. Бу билан намни янада ўтказмайдиган бўлиб қолади. Ана шунда тери вазифасини нормал бажара олмай қолади, одам терлаб, димиқиб кетади. Шунинг учун ҳам синтетик ва сунъий газламалардан тикилган кўйлақлар

ни ёзнинг иссиқ кунларида кийиш тавсия этилмайди. Уларни ҳаво ҳарорати 20-30 даражадан ошмаган пайтлардагина кийинг. Агар сизда бирор тери касаллиги бўлса, синтетик кийимларни кийманг, синтетик кийимларни ёш болалар ҳам кийиши мумкин эмас.

Ёзнинг иссиқ кунларида кенгроқ қилиб тикилган кўйлақлар, блузкалар кийган маъқул. Эркакларнинг кўйлаги ҳам ёқаси очикроқ, енги кенгроқ бўлгани яхши, шунда баданга ҳаво етарлича кириб туради.

Куёшли кунларда зиғир ёки ип газламадан тикилган бош кийими кийишни унутманг.



## ЭСКИ - ЯНГИНИ АСРАЙДИ

Янги ёки таъмирланган хонада мебелни деворга яқин қўйманг, чунки бундай хона деворидан намлик таралади ва мебелнинг тоб ташлайди.

Бўялган ром, дераза рахи ва эшикларнинг хира тортиб қолган жойларини қуйидагича артиб тозаланилса, улар ярқираб қолади: икки ош қошиқ уксусни бир банка арра тўпони (қипиқ)га аралаштириб, шу тўпонда кир жойларни яхшилаб артинг.

Агар ваннахона деворларига кафел ёпиштирилмаган бўлса, бу деворларни сув ўтмайдиган қилиш учун унга рангли полиэтилен плёнкани елимлаб ёпиштириш мумкин. Плёнка остида пайдо бўладиган майда ҳаво пуфакчаларини кетказиш учун бу жойларга нина уриб қўйилса, кифоя.

Мебелларнинг метал қирраларини, қувурларни бўяшдан аввал уларни уксусда ҳўлланган латта билан яхшилаб артинг, қуригач, бўясангиз яхши натижа беради.


Мойли бўёқда бўялган дераза ромлари, тахта тоқчалар, девор ва эшикларни совунми ёки содали сувда ювиш ярамайди. Бундай усулда тозаланилса, уларнинг бўёғи кўпчилик қолади ва тез кўчиб кетади. Яхшиси, уларни наштир спирт аралаштирилган (1 литр сувга 1 чой қошиқ спирт) илиқ сувда ювинг. Жуда ҳам кирланган жойларини хлорли эритма (1 стакан сувга ярим чой қошиқ сода)да ҳўлланган ғураша латта билан ювинг ва қуригунча латта билан артинг.

Синиб полга тушган ойна синиқларини ҳўлланган полдан латта билан олиб ташланг.

Гулли линолеумни совунли илиқ сув билан ювинг.

Совун суртилган мих тахтага осон қоқилади.

## НЕГА БУЛУТЛАР МОВИЙ ЭМАС, ОҚ?!



Тинч осмонда сузувчи булутлар мовийлик бағрида жуда аниқ кўринади. Бундай манзара одамда шоирона кайфият ва завқ уйғотади.

Бироқ, "булут" сўзи нафрат, ўкинч уйғотувчи маънода ҳам ишлатилади. "Момақалдиқли булут" деганда эса хушёр тарта-миз.

**Савол: Булутлар нега мовий эмас, асосан оппоқ**

**бўлади? Тўқ булутни эса нега "Момақалдиқли булут" деймиз?**

**ЖАВОБЛАР:** Нисбатан калта тўлқинларда кўринувчи нур Релей қонунига асосланади. Булутдаги сув томчилари ўлчами, одатда, кўринадиган нур тўлқинлари ўлчамидан кичик бўлади ва фақат томчилар юзасидаги нур аксланади. Бундай ҳолатда нур ранг олмайди ва оқлигича акс этади.

Жуда зич булутларгина тўқ, ҳатто қора кўринади, чунки уларга куёш нури оз тушади. Бунда нур ё томчиларга сингиб кетади ёки булут юзасидан аксланади.

## Маслаҳатхона

### ОШХОНА СИРЛАРИ

**Балиқ солинган идишларни туз билан ишқаб, совуқ сувда ювилса ҳиди тез кетади.**

**Куйиб қорайиб кетган кострюл ва товаларга қалин туз солиб, устидан сув қуйиб қўйинг. Бир қанча вақтдан сўнг ювсангиз, у яна ярақлайди.**

**Эскириб хиралашган сирли идишларни персол кукунни билан ярақлатиш мумкин. Қайноқ сув тўлатилган кострюлга бир чой қошиқ персол солинг ва бир соатча қайнатинг. Сўнг иссиқ сувда чайинг.**

**Агар сопол кўзалар (идишлар)нинг сирли кўча бошласа, хавотирланманг. Дарҳол идиш ичига бирор хил лак қуйинг ва майин чўтка (кисточка) билан уни идишнинг**

**ички деворларига суртиб қўйинг.**

**Янги това (сковородка)ни ишлатишдан олдин ювиб, яхшилаб қуритиш зарур. Сўнг унинг ҳамма ёғига кунгабоқар ёғини суртинг ва оловга қўйинг. Сўнг ундаги қиздирилган ёғни тўқиб юборинг (бу ёғни истеъмол қилиб бўлмайди энди!) ва товани яна яхшилаб ювинг. Шунда бу товада пиширилдиган овқат мазали бўлади.**

**Сувқайнатгич (кипятивник)га сув қуйқаси (тузлар) ёпишиб, унинг симини қолаб олган бўлса, тез-тез уни тозалаб турунг. Уни 1 литрга 1-2 ош қошиқ уксус аралаштирилган сувга солиб сувни қайнатинг. Сувқайнатгичингиз кўриниши янгилашиб қолади.**





Болалар, ўтган дарслардан сизга маълумки, Сехргарнинг саволларига Қирол ҳам эринмай тўла ва очиқ жавоб берган эди.

- Менга айтинг-чи, аёло Ҳазрат, - деб дарс бошлади Сехргар, - ҳамма нарсани ўзи тайёрлаб, ҳеч нарса сотиб олмайдиган хўжайин яхшими ёки ҳеч нарса тайёрлаш қўлидан келмайди-ю, ҳамма нарсани сотиб олувчи хўжайин яхшими?

- Модомики, пул ишлаб топши қўлингдан келмаса, ҳамма нарсани ўзинг тайёрлайвер! Мен бўлсам ҳамма нарсани пулга сотиб оламан, - деди Қирол.

- Бундай қилиш тўғрмас, - эътироз билдирди Қиролича. - Ахир Чарльз қанча ҳолатга тушиб қолди. Мен ҳамма нарсани қўлидан келадиган одамни яхши хўжайин - хўжалик бошлиғи деб ҳисоблайман. Айримларига ўхшаганларни... - Малика қиролга маъноли қаради...

**Болалар, сизлар-чи? Сиз қандай деб ўйлайсиз?**

- Сизларнинг баҳсингизни тўхтатиш учун, - деди Сехргар. Мен сизларни саёҳатга йўллайман. Сехргар шундай деди-ю, ўзининг сеҳрли таёқчасини бир силкиди. Бир киприк қоқишга ҳам улгурмай Қирол ҳам, қиролича ҳам ўзларини нотаниш бир ўрмон ичида кўришди. Атрофда бирорта инсон кўринмасди.

- Сенинг дарс беришингни қара-ю, - деди қирол пенионисини қашлаб. - Бизни кечаси демай қоп-қоронғи ўрмонга ташлаб қўйди-ку!

- Ҳа, - тасдиқлади қиролича. - Агар мактабларда шунақа ўқитишса бирорта "2"чи қолмасди. Биз энди нима қиламиз?

- Ҳов ана бу ёқда мен сўқмоқ йўл кўраётман, - севинди қирол. Ана шу сўқмоқдан юриверсак, у бизни бирон ёққа олиб борар. Ҳар қалай, ўрмонда тунамасдик.

Улар бориб-бориб бир уйни учратдилар. Аниқроғи, уй эмас, ертўлани кўришди. Ертўлага ҳам унча ўхшамайдиган бир нима эди у.

- Сен шу ерда одамлар яшаши мумкин деб ўйлаётсанми? - деб сўради қиролича ҳадик билан.

- Менми? Ростини, ўзим ҳам билмайман, - деб жавоб берди қирол. Бироқ негадир, эшик ҳам бор экан. Кел, бир тақиллатиб кўрайлик-чи.

Қирол эшикни тақиллатди. - Ким у? - ичкаридан норози овоз эшитилди.

- Бу - бизлармиз, жаноби олийлари, - биргаликда жавоб беришди қирол ва қиролича. - Бизни ичкарига киритинг, илтимос. Тонггача шу ерда тунайлик. Адашиб қолдик.

Эшик ғирчиллаб очилди ва ичкарида бир эркак киши кўринди. У неча ёша кирганлигини билиб бўлмайди: соқоли узун, сочлари паҳмоқ, кенг елкали. Камида юз яшар чолга ўхшарди, лекин порлаб турган кўзлари ёш, худди қиролнинг кўзларига ўхшарди. Энида қўлбола кўйлак-иштон, оёғида канондан тўқилган шап-шап.

- Кимсизлар? Сизларга нима

керак? - деб сўради ғалати "уй"нинг эгаси норози оҳангда.

- Мен иқтисод мамлакатининг қиролиман, бу менинг хотиним, - жавоб берди Иқтисодчи Биринчи. - Сизникида овқатланиб, бир кеча тунаш мумкинми? Яхши ҳақ тўлаймиз.

- Сизнинг пулингизни нима қиламан? - қайтаришда жавоб этди уй эгаси. - Биз ҳеч қачон ҳеч нарса сотиб олмаймиз. Оиламизга нима зарур бўлса, ҳаммасини ўзимиз тайёрлаймиз. Бундан ташқари, сизларни овқатлантириш

дан кесган дарахт ёғочидан ўзимиз ясаганмиз. Идишлар ҳам ўзимиз қазиган тупроқ лойидан бўлган. Нима ўстира олсак ва нима тайёрлай олсак, ўшаи еймиз. Лекин сизлар ҳақсизлар - қанча ишласак ҳам, қанча ҳаракат қилсак ҳам яшашимиз яхши эмас. Аввал ёлғиз яшардим - ҳеч нарсага улгурмасдим. Энди бўлса уйланганман, аёлим ёрдамлашди. Бир қараганда кўп нарса қилаётгандекмиз, аслида ҳеч нарсага улгурмаяпмиз. Тонг отмай тураммиз, тун оғанда ётаммиз, кун бўйи тинмайммиз, ле-

ўйлайсизми? - деди ранжиб мезбон. - Ўзингиз бир уришиб кўринг. Битта кўйлак тикиб кийиш учун ер чопиб, каноп экиш, уни суғориш, тагини юмшатиш, ўстириш, ўриш, янчиш, кейин уни ивитиш, толалар олиш, кейин мато тўқиш, сўнг матони бўяб, уни бичиш, тикиш керак бўлади. Бу ишларни бажаришда зарур бўладиган асбобларни ҳам ўзимиз тайёрлашимиз керак - омов, ўроқ, тўқув дастгоҳи, нина... Буларни тайёрлаш учун ҳам яна бошқа бир қанча асбоб-ускуна зарур. Уларни қаёқдан

## ТОВАР АЛМАШТИРИШ

ёку

(ИҚТИСОДИЙ ЭРТАК, 4-ҚИСМ)

### Табиий хўжалик оламига саёҳат



ушун менда ҳеч вақо йўқ, ўзимизга етмайди егулимиз. Шундай бўлса-да, сизга озроқ сут билан нон беришим мумкин. Полда ётиб ухлайсиз. Қани, тезроқ бўлинглар энди. Мен жуда чарчаганман - кунни бўйи ишладим, эрталаб яна барвақт туриш зарур. Ут ўраман, дарахт кесаман. Иш тикилиб ётибди. Дам олишга ҳам вақт йўқ.

- Шунча кўп меҳнат қилиб ҳам нега бунча камбағалсиз? - сўради қиролича. - Сиз ёмон уй бошлиғи, хотинингиз ношуд уй бекасига ўхшайсизлар.

- Биз ёмон хўжалик бошлиқлари эканми? - аччиғланди уй эгаси, - ахир мана шу уйнинг ўзини ҳам ўзимиз қурганмиз. Ундаги ҳамма-ҳамма нарсаларни ўз қўлимиз билан яратганмиз. Ҳатто мана бу мебелларни ҳам ўзимиз ўрмон-

кин ишининг адоғи кўринмайди. Улгуриш қаёқда? Ҳали қишга молларга пичан ғамлаб қўйиш керак, ёққани ўтин кесиб уни қуритиб ғарамлаб қўйиш... Томорқа - қаровсиз, сув чиқариш, лой қориш - ҳаммасига жонингни тақсимлаш керак.

- Бечоралар, бечоралар, - ачиниш деди қиролича. - Сизларга қандай ёрдам берсам экан? Бу билан нимага эришиш мумкин? Агар одамнинг қўлидан бир иш келмаса, бу - ёмон. Бироқ, ҳамма ишни ўзингиз бажариш - ундан ҳам ёмон-ку! Кун бўйи бош кўтармай меҳнат қилсанг-да, яна мана бунча шароитда яшасанг! Идишлар қинғир-қийиш, кийимлар - йиртилган, уй бўлса тўкилай деб турибди.

- Сиз чиройли идишлар ясаш, бежирим кийим тикиш, ҳашаматли уй қуриш осон деб

оламиз? Яна ҳаммасини ўзимиз тайёрлашимизга тўғри келади. Бундан ташқари, бошқа ишлар ҳам бор: қаерда яшаи, нимани еб кун кечириш керак? Ундоқ қилсак ҳам, бундоқ қилсак ҳам сира вақт етишмайди. Биз совуқда қотиб қолмаслик, ўлмаслик учун энг зарур нарсаларни тайёрлашгагина зўрга улгураётимиз. Энг ёмони - бошлаган ҳамма ишинг ҳам ўнгидан келавермаслиги! Ана бу ўнг тарафдаги қўшимга мазза: лой-тупроқ ўз қўлида, кўзалар, косаларни бемалол тайёрлайверди. Чап томонимиздаги қўшинининг хотинига ҳам осон: у ўзи кийим тикишни билади. Шунинг учун қачон қарасанг, маликалардек башанг кийиниб юради. Ҳа, майли! Мен ҳам чакки эмасман. Мен мол-қолга шунақа яхши охур ясайманки, қўшинлар

менга ҳавас қилишади. Мен бу ишининг устасиман.

- Нимага қўшинингиз билан келишиб олмайсизлар? Сиз уларга охур ясаб беринг, у сизга кўзалар қилиб берсин, кийимингизни тикиб берсин, - деди қирол. - Алмашасизларда, маҳсулот айрибошлайсизлар!

- Мана бу - бошқа гап! Зўр фикр! нега шу гап аввалроқ бошимга келмабди! - деди хурсанд бўлган қирол. Ушлаб қолишмай туриб чиқай-чи. Эҳтимол келишиб, шартлашиб олармиз.

У қўшинлари ёнига чонди.

- Биз нима қиламиз? - деб яна пенионисини тириштирди қирол билан қиролича. Ва шу заҳоти ҳовлида, иқтисод дарсида эканликларини эслашди.

- Ҳўш, табиий хўжалик иқтисоди сизларга ёқдимми? - деб сўради улардан Сехргар.

- Қаер, қаер? - бараварига сўрашди қирол ва қиролича.

- Сизлар ҳозир ҳар ким ўзи учун зарур нарсаларни ўзи тайёрлайдиган мамлакатда саёҳатда бўлингизлар. Ўзлари нон етиштиради, ўзлари мато тўқишади, уй қуради - бундай хўжалик юритиш усулини ибтидий-табиий хўжалик деб аталади.

Бундай усулда ишлаганда жуда кўп меҳнат қилишга тўғри келади, лекин яшаш жуда қийин. Ҳамма масалаларни ҳар ким ўзи ҳал қилишга тўғри келади. Вақт етишмайди, асбоблар ёмон, одамларнинг қобилиятлари эса ҳар хил. Ҳамма нарсани қўлда тайёрлаш керак, шунинг учун иш секин боради, вақт етишмайди. Маҳсулотлар ҳам фақат ўлмасак бўлди, қабилда.

- Қандай даҳшат! - деб ҳайқирди қирол. - Наҳотки уларга ёрдам бериб бўлмас!

- Ёрдам бериш мумкин, - деди Сехргар. - Ахир сиз уларга ўзаро маҳсулот айрибошлашни таклиф қилдингиз-ку!

Одамлар турмушни енгиллаштириш мақсадида мол алмашишни, ўйлаб топдилар. Улар ўзига камроқ керакли нарсани бериб, кўпроқ зарур нарсаларни олдилар. Бунда ҳар ким кўпроқ товар тайёрлаш учун ўзи яхшироқ бажарадиган иш билан шуғулланишга интила бошлади. Масалан, биров балиқ овлаш, биров экин экиш, яна кимдир кетмон яшаш, кимдир кийим тикишни ўзига касб қилиб олди. Биров - ўқитувчи, биров - шифокор бўлди. Ҳамма хурсанд, одамларнинг вақти тежалди, зарур товарлар сифати ҳам ортди.

Болалар, сиз ҳеч бирор нарсанингизни бошқа нарсасига алмаштирганмисиз? Нега шундай қилганингиз? Алмаштирганганингиз сизга фойдали бўлганми ёки зарарлими? Ўйлаб, таҳлил қилинг. (Давоми келгуси сонларда).



„МЎЪЖИЗА  
КУТОБ“

### ...НЕГА НУР СОЧАДИ?

Кечаси нур сочадиган юлдузлар ва кундузи оламни мунаввар этадиган Қуёш бир хил эканига ишониш қийин.

Қуёш ҳам Ерга энг яқин юлдуздир. Ердаги ҳаёт Қуёшга боғлиқ эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Қуёш нури тафтисиз Ерда ҳаёт вужудга келмас эди. Қуёш нури тафтисиз ўсимликлар ҳам, ҳайвонлар ҳам, одамлар ҳам бўлмас эди.

Қуёш диаметри - кўндаланг ўлчами - 1400 000 км.лик юлдуздир. Бу кўрсаткич Ернинг диаметридан 109 марта катта.

Қуёш билан Ер ўртасидаги масофа 150 000 000 км.дир. Қуёшнинг массаси Ерникидан 1 300 000 марта оғирдир. Лекин, қизиғи шундаки, Қуёш Ер сингари қаттиқ жисм эмас.

Буни исбот қилиш осон: Қуёш юзасидаги температура Цельсий шкаласи бўйича 6000 даражага етади. Бундай иссиқликда ҳар қандай металл ёки тош газга айланиб кетади, шунинг учун Қуёшнинг таркиби газдан иборат!

Илгари олимлар қуёш нури, тафтиш ёниш натижасида пайдо бўлади, деб ҳисоблашар эди. Аммо Қуёш юзаси юз миллионлаб йиллардан бери ҳаддан ташқари иссиқ бўлиб келаётгани инobatга олинса, ҳеч нарса бу қадар узоқ ёнмаслиги маълум бўлади.

Бугунги кунда олимлар Қуёш атом бомбасидаги каби ҳолатда иссиқлик ажратиш чиқаради, деган хулосага келишди. Қуёш материяни энергия - қувватга айлантириб беради.

Бу жараён ёнишдан фарқ қилади. Ёниш вақтида материя бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтади. Катта миқдордаги энергияни ҳосил қилиш учун жуда оз миқдордаги материя кифоя қилади. 28 грамм материя ажратиш чиқарадиган энергия 1 миллион тоннадан ошдиқ тоғ жинсларини эритиш учун етарлидир.

Агар фаннинг фикри тўғри бўлса, Қуёш материянинг энергияга айланиш жараёни доимий бўлгани учун ҳам нур сочади. Қуёш массасининг бир фоизигина у 150 млрд. йил давомида ҳозирдагидай иссиқ бўлиб туриши учун етади!

Барибир, Қуёш кўриниб турадиган юлдузлар ичида энг каттаси эмас. Ҳисоб-китобларга қараганда, ўта катта юлдуз Бетельгейзеннинг диаметри Қуёшникидан 850 баробар каттадир. Ваҳоланки, мунажжимларнинг фикрича, у ҳам энг катта юлдуз эмас. Қуёшга нисбатан кичикроқ юлдузлар "миттивойлар" деб аталади. Энг кичик юлдузлар эса оқ миттивойлардир.

## ҚУЁШ...



### ...СИСТЕМАСИ АЙНАН ШУНДАЙ КЎРИНИШГА ЭГА?

Биз Қуёш системаси нега айнан шундай кўринишга эга эканидан бехабармиз. У Коинотдаги мутлақо бошқа кўринишга эга бўлган қуёш системалари каби бошқача ҳам бўлиши мумкин эди. Бу уларнинг қандай пайдо бўлгани билан боғлиқ. Лекин инсон кашф этган табиат қонунлари Қуёш системасининг нега айнан ҳозирдагидай жойлашувини тушунтириш имконини беради.

Бошқа сайёралар қатори Ер ҳам Қуёш атрофидаги орбита бўйлаб айланади. Ернинг Қуёш атрофида бир марта айланиб чиқиш вақти йил деб аталади. Бошқа сайёралар орбитаси Ерникидан катта ёки кичикдир.

Қуёш системаси қандай пайдо бўлган? Нега сайёралар бундай ўлчамга эга? Нега улар ўз орбитаси бўйлаб ҳаракат қилади? Мунажжимлар ҳалигача бу саволга жавоб топиша олгани йўқ. Улар икки хил назарияни илгари суришади. Биринчи назарияга кўра, Қуёш ва сайёралар айланаётган улкан иссиқ газлар булутидан пайдо бўлган. Айланаётган улкан газ ва чанг булутини ўсимталаридан сайёралар бунёдга келган.

Бошқа бир назария муаллифлари эса Қуёш ўтмишда бошқа бир юлдуз билан яқинлашган, деб ҳисоблашади. Натижада катта "бўлақлар" ажралиб чиқиб, унинг атрофида айлана бошлаган ва Қуёшнинг ушбу бўлақлари сайёраларга айланган.

Биз учун қайси назария тўғри экани муҳим эмас. Нима бўлганда ҳам, Қуёш системасининг ҳозирги шакли тасодифан юзага келган. Нега бу шакл ўзгармаяпти? Кеплернинг сайёраларнинг ҳаракати қонунига кўра, барча сайёралар Қуёш атрофида эллипс (чўзинчоқ) орбита бўйлаб айланади; сайёралар

Қуёшга қанчалик яқин борса, уларнинг тезлиги шунчалик ортади; тўла айланиб чиқиш вақти Қуёшга бўлган масофага боғлиқ. Ньютоннинг тортишиш қонунида айтилганидек (Кеплернинг уч қонуни унинг таркибий қисмларидир), иккита предмет ўзаро тортишади. Қуёш системасининг ҳозирги шакли муқимлигига сабаб, бир қанча табиат қонунларига асосан, Қуёш ва сайёралар ўртасида ўзаро ҳаракат боғлиқлиги бор.

### ...СИСТЕМАСИ НИМА?

Ҳойнаҳой, "учар ликобчалар" ва ўзга дунёлардан келган гайриоддий мавжудотлар тўғрисида эшитган бўлсангиз керак. Уларнинг ҳақиқатан ҳам мавжудлиги даргумон, бироқ бундай ҳодисалар рўй бериши эҳтимолдан узоқ эмас. Гап шундаки, Қуёш системаси унга ўхшаш миллионлаб системалар бўлиши эҳтимолдан холи бўлмаган Коинотнинг узоққина бир заррасидир.

Қуёш системаси ўз ичига Қуёш ва унинг тортиш кучи натижасида атрофида айланадиган барча жисмларни қамраб олади. Бизнинг Қуёш системаси таркибига унинг тортиш кучи таъсирида бўлган сайёралар, йўлдошлар, астероидлар ва кометалар киради. Ер тўққиз сайёранинг биридир.

Сайёралар ўлчами ва бошқа кўрсаткичлари бўйича бир-биридан фарқ қилади ва Қуёшдан турли хил узоқликда жойлашгандир. Меркурий Қуёшга энг яқин ва энг кичик сайёрадир. У 88 кеча-кундуз давомида Қуёш атрофида бир марта айланиб чиқади. Ундан кейинги сайёра Венера - Чўлпон бўлиб, Қуёшдан 108 млн. км узоқликда жойлашган ва унинг атрофида 225 кеча-кундузда бир марта айланиб чиқади. Учинчи сайёра Ер эса Қуёшдан 150 млн. км. узоқликда жойлашган. Кейинги сайёра Марс - Миррих билан Қуёш ўртасидаги масофа - 225

млн. км. Унинг Қуёш атрофида бир марта айланиб чиқиш вақти 687 кундир.

Сўнгра Қуёш системасидаги энг катта сайёра - Юпитер - Муштарий келади, унинг тўлиқ айланиб чиқиш вақти - 12 йил, Сатурн - Зухалники эса - 29,5 йил. Сўнги уч сайёра - Уран, Нептун ва Плутон Қуёшдан шу даражада олисдаки, уларни оддий кўз билан кўриб бўлмайди.

### ...ТОЖИ НИМА?

Бирор марта Қуёшнинг тугилгандаги суратини кўрганмисиз? Суратда Қуёшнинг қора гардиши атрофида нотекис олов тилларига ўхшаш нарса кўзга ташланади ва у тож деб аталади.

Қуёш ҳам юлдуздир. Бошқача айтганда, у ўзидан нур таратади. Албатта, бунинг учун катта миқдордаги энергия - қувват талаб қилинади. Қуёш бу қувватни қаердан олади? Олимларнинг фикрича, Қуёшнинг марказий, энг иссиқ қисмида жойлашган водород атомлари ўша қувват манбаидир. Улар ўша қисмда бирлашиб, термоядро реакцияси натижасида гелий атомларига айланади. Оқибатда катта миқдордаги энергия ажралиб чиқади ва у Қуёш юзасига чиқиб, ёруғлик бўлиб, фазога тарқалади. Қуёш, то водород захиралари тугамагунча, сизу бизнинг бошимиз узра порлаб тураверади.

Бизнинг тасаввуримизда Қуёш нури ҳамиша бирдай ёрқиндай туюлади. Аслида шундаймикин? Бу саволга жавоб шуки, Қуёш тузилиши ўзига хос хусусиятга эга.

Авалло, у Ер сингари қаттиқ жисм эмаслигини унутмаслик керак. У ўз ўқи атрофида айланса-да, унинг турли қисмларга турлича тезлик билан ҳаракат қилади. Унинг экваторидаги нукта ўз атрофида 29 кеча-кундузда бир марта айланиб чиқса, кутбдаги нуктага бунинг учун 34 кеча-кундуз керак бўлади.

Қуёшнинг тож деб аталадиган ташқи қатлами энгил ва сийрак газлардан иборат. Унинг ташқи қисми оқ тусда бўлиб, шуъллари таралиб туради. Бу шуъллари миллионлаб километрларга чўзилган бўлиб, Қуёш ёрқинлигига, оз бўлса-да, сезиларли таъсир кўрсатади.

Тож остида Қуёш атмосфера-сининг бошқа бир қатлами - хромосфера мавжуд. Унинг қалинлиги 15 000 километр дур. Бу қатлам, асосан, водород ва гелийдан иборат. Унда вақти-вақти билан протуберанслар - тўсатдан совиб кетган улкан модда оқими пайдо бўлади ва Қуёш тожга ёриб чиқади. Протуберанслар, одатда, баландлиги 1 500 000 километрлик арк кўринишига эга бўлади. Улар ҳам Қуёшнинг нечоғли ёрқин нур сочишига таъсир кўрсатади.

Қуёшни ўраб турган қатламларнинг тавсифи, асосан шундир. Уларнинг остида нима борлиги ҳозиргача жумбоқ бўлиб қолмоқда.



## КЎРШАПАЛАК БОЛА УШЛАНДИ

*Американинг Weekly World News ("Жаҳоннинг ҳафталик янгиликлари") газетасининг Интернет орқали тарқатган хабарига қараганда, яқинда Федерал Тергов Бюроси (ФБР) томонидан антиқа кўринишдаги бола қўлга олинди. Унинг кўзлари ҳаддан ташқари катта, қулоқлари узун, тишлари сўйлоқ. Елкасида эса қанотлари бор. Худди кўршапалакнинг ўзи. Маълум бўлишича, бу антиқа махлуқсифат болага олдин ҳам дуч келинган. Уни ҳатто ушлашган ҳам. Олимларнинг айтишича, бу сафар ҳам айнан ўша бола ушланган. Фақат у бироз улғайган.*

### ЕР ҚАЪРИДАН ЧИҚҚАН ТОВУШ

Ғарбий Виржиниянинг Шенандой тоғлари этагида дунёдаги энг чуқур горлар жойлашган. Уларнинг баъзилари ер қаърига бир неча километргача кириб кетган. Етти нафар олимдан иборат илмий экспедициянинг раҳбари Рон Диллоннинг эътирофича, улар ўша куни ер сатҳидан уч километргача чуқурга кириб боришган. Ўсимликлар дунёсини излашган. Унинг ўрнига эса антиқа махлуқотга дуч келишган.

- Горнинг кенг, зим-зиё комида нимадир зорланиб чийилларди, - дея ҳикоя қилади Рон. - Қўлчиноқни товуш келаётган томонга қаратган эдим, кўзим боши тап-тақир бир болага тушди. Унинг бир оёғини тош босиб қолган эди. Табиийки, олимлар аввал ўзларини йўқотиб қўйишган. Бироқ, тезда ўзларига келиб, ёрдамга шошилишган.

Тошдан халос бўлган бола гайритабиий куч билан олимлар қўлидан ҳам қутулишга ҳаракат қила бошлаган. Тинчийвермагач, унинг титраб турган жисмига уйқу дори юборишган.

### СУЮКЛИ ЕМИШИ - ПАШША ВА ҚЎНҒИЗЛАР

Кейин бамайлихотир бундай қарашса, бола одамзотга ҳам унча ўхшамайди. Чунки,

унинг елкасида иккита қанот тарвақайлаб турибди. Кўзлари шокосадай, қулоқлари узун-узун. Қолган жойлари одамдан бир турқи фарқ қилмайди. Лаборатория тадқиқотларидан аниқланишича, ультратовушларни яхши қабул қилади, ўзи ҳам шундай товушлар чиқаради. Қоронғуликда худди кўршапалакдек товуш орқали ҳаракат қилади.

- Бола кўринишидан, одамлар ўлчовида, уч ёшнинг нариберисиди. Бўйи 60 сантиметргача яқин. Вазни 12 килограмм. Жуда озгин, бироқ ҳаракатчан, жонсарақ.

Аввалига болани нима билан овқатлантириш муаммоси чиқиб қолди. У бананга ҳатто қўлини ҳам теккизиб кўрмади. Аммо, муаммонинг калитини унинг ўзи берди: учиб кетаётган пашшани тутиб еди. Кейин қандайдир қўнғизни ҳам ушлаб, иштаҳа билан тановвул қилди. Шундан сўнг унинг камерасига сонсиз-саноқсиз ҳашарот, қурт-қумурсқаларни қамай бошлади. Тез орада бу "шоҳона" емишлардан сўнг, кўршапалак-болага жир бита бошлади.

### УЧДИ-Ю КЕТДИ

Бир куни болани хиёбонга, сайрга олиб чиқишди. Бола эса пайтдан фойдаланиб қочиб қолди. Тўғрироғи, учиб кетди. Олимлар боланинг қаноти

учишга калталиқ қилади, деб ўйлаб, уни бемалол қўйишган эди. Ваҳоланки, ҳаммаси аксинча бўлиб чиқди. Бола "шип" этиб ёнидаги бир дарахтга чиқди-ю, учди-кетди. Олимлар оғизларини очиб қолишаверди. Оғизларига энди пашша кирман деганда ўзларига келиб, Федерал Тергов Бюросига хабар беришди.

### БОЛА ҚИЗЧАНИ ТИШЛАДИ

Бу учар болани бир йилгача тутиша олмади. Газеталарда

Диллон айбланган қулоқ-қулоқ мақолалар, кўршапалак-болани тасодифан кўриб қолган одамларнинг даракларидан иборат хабарлар мунтазам босилиб турди.

Уни эса Миссури штатида, машҳур Том Сойер севган Миссисипи дарёсининг шундоқ қирғоғида ушлаб олишди. Эми Микелли исмли ўн яшар қизча ва тасодифий фотограф Бездил Фуч унинг изини топиб беришди. Кўршапалак бола қизчани тишлаб олган, Фуч эса уни тасодифан сувратга муҳрлаб қолган.

Гувоҳларнинг дарағича, қизча ҳайдамоқчи бўлиб болага тош отган, у эса тишлаб олган.

Ниҳоят, изга тушган ФТБ агентлари етиб келиб, тўрлар, яна алламбалолар ёрдамида болани тутишган. Дарвоқе, бола ҳам осонликча бўйин эккан эмас. Агентлардан уч-тўрттасини тишлаб, ҳатто биттасининг кўрсаткич бармоғини гажиб ташлаган.

Ишончли манбаларнинг маълумотига қараганда, бу антиқа боламахлуқ ўта махфий лабораторияда, ФТБнинг қат-

тиқ назорати остида сақланмоқда.

### ИЗОҲ ЎРНИДА

Криптозоология деб аталмиш бир фан бор. Бу фан билгичлари ер юзидаги антиқа махлуқлар, масалан, Қор одам, Лох-Несс калтакесаги кабиларни илм сўзи билан иботлашга уриниб ётишади.

Рон Диллоннинг фикрича, кўршапалак бола одамсифат махлуқларнинг бир вакили. Бу махлуқлар одамзот билан бир вақтда ривожланган, эҳтимол. Улар ернинг чуқур қаърида яшашилади. Унинг ота-оналари ўша ерда бўлиши керак.

Россиялик академик Василий Шабетникнинг "Ернинг остки қисми бўшлиқдан иборат" деган фикри ҳам юқоридаги ақидаларга жон бағишлайди.




## "ҚОРНИМ ОЧЯПТИ"

Жаҳонга машҳур комикс персонажи - мушуквой Гарфилд 20 ёшга тўлди. Рассом Жим Дэвисон ижодий хаёлининг маҳсули бўлган Гарфилднинг биринчи расми 1978 йилда яратилган. Рассом мушуквойни ўз бобосининг исми билан атаган. Бугунги кунда жаҳонда Гарфилднинг 200 миллиондан зиёд мухлиси бор. Мушук акс эттирилган комикслар дунёнинг 87 мамлакатида - жами 2550 газетада босилапти. Бундай комиксларни "Нью-Йорк Таймс"дан тортиб, то вилоятлардаги ҳафталик газеталарда ҳам учратиш мумкин. Ялқовлик, уйқучанлик ва сертомоқлик бобида дунёда Гарфилд билан беллаша оладиган бошқа ҳайвон йўқ. Мушуквойнинг мана шу антиқа фазилатларини гавдалантирувчи комикслардан Жим Дэвисон катта даромад олапти. Мушуквой Гарфилд


реклама клипларида ҳам иштирок этади, унинг тасвири чизилган эсдалик соғаларининг ҳам бозори чаққон. 80-йиллардан Гарфилд ўзини телевидение орқали ҳам намоён эта бошлади. 121 сериядан иборат "Гарфилд ва унинг дўстлари" номли мультфильм кўпчиликка манзур бўлди. Яқинда Хитойда болаларга мўлжалланган инглиз тили дарслиги нашр этилади. Мушуквой Гарфилд дарсликнинг бош қаҳрамонидир. Мушуквойнинг таваллуд куни Флоридадаги Карикатура санъати халқаро музейида кенг нишонланди. "Интернет" тармоғи Гарфилд билан қилинган суҳбат матнини бутун дунёга тарқатди. 20 ёшни қаршилаётган кунингизда ўзингизни қандай хис этаёпсиз, деган саволга Гарфилд мушукчасига шундай лўнда жавоб берди: "Қорним очяпти".






ХАЛҚАЛАР

Бу бошқотирмадаги ҳар бир халқа фақат 2 та халқалар билан туташтирилган. Кесиб ўтган қисмлари расмда кўрсатилган. Сизнинг вазифангиз - қолган ўн учта кесишган жойни чизиб суратни тўлдириш.




ЎРДАКЛАР

Бу ҳовузда - уч хил ўрдаклар бор. Яна олтига ўрдакни шундай жойлаштирингки, ҳар бир вертикал қаторда ҳам, ҳар бир горизонтал қаторда ҳам уччала хил кўринишдаги ўрдаклардан бўлсин.




МАЙДОНЧАНИ ТАҚСИМЛАНГ

Майдонни учта тўғри чизик билан шундай етти қисмга ажратингки, ҳар бир чизик бир хил ҳарfli доиралар (ўриндиклар)ни ўзаро туташтирсин. Пайдо бўладиган ҳар бир бўлакка **са** қора доиралардан биттадан тегсин.




ИЧИДАН - ПАСТГА ТОМОН...

Юқоридан лабиринт ичига кириш ва пастга қараб шундай узлуксиз чизик чизингки, у имкон қадар кўпроқ юлдузларни туташтирсин. Бир йўлакдан 2 марта юриш ёки йўлни кесиб ўтиш мумкин эмас.



ЎЙЛА-ЎЙЛА!







Расмдаги юлдуздан юлдузга тўрт юришда етиб бориш мумкин. Йўл-ку кўп, лекин уларнинг ҳар бири битта (ва фақат битта!) айёрона юриш имкони бор. Берилган қирқта юришнинг қайси бирида ўша ҳал қилувчи йўл борлигини топинг.



СВЕТОФОРЛАР

Берилган 12 та йўл светофорининг ҳар бирида қизил, сариқ ва яшил чироқлар бор. Расмда 12 та чироқнинг ранги белгилаб қўйилган. Қолган чироқларнинг ҳам рангларини белгиланг. Шарти - расмдаги вертикал қаторларда ҳам, горизонтал қаторларда ҳам бир хил рангли чироқлар ёнма-ён бўлиб қолмасин.

58-59 СОНДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН  
ТОПШИРИҚЛАР ЖАВОБЛАРИ



Етишмаётган рақамлар - 1, 1, 11. Қулоғингизга шипшитиб қўяйлик: иккита қўшни рақамларни қўшинг. Бу йиғинди ҳар доим иккита жадвалда ўнг тарафдаги рақам томонидан пайдо бўлади.

**Ёз — ўтмоқда соз**

**«ГУЛЗОР»НИ ГУДАТАЁТГАН  
ГУЛГУН ЧЕХРАЛАР**

Бу йил баҳор серёгин қелиб, болалар оромгоҳлари бироз кечроқ болажонларини уз бағрига олди.

Газалкентда жойлашган Ўзбекистон утга чидамли қаттиқ қоришмалар металлургия заводига қарашли «Гулзор» соғломлаштириш-оромгоҳида бу йил 700 дан ортиқ болажонлар соғликларини тиклаб, дам олишлари учун ҳамма шароит муҳайё этилган эди.

Оромгоҳ йулкаларида юриб борар экансиз, ҳамма нарса болалар учун эканлигига яна бир қарра амин буласиз.

Уч маҳал иссиқ овқат, чой бадастир. Болажонлар дам олишлари билан бирга уз саломатликларини тиклаш учун ҳам физиотерапевтик муолажалар ҳам муҳайё этилган экан.

Куни кеча оромгоҳда «Гулзор маликаси» конкурси утказилибди. Конкурсада 9-отряд қатнашчиси Зебо Бобоқулова «Шарқ юлдузи» совринига эга бўлди.

Оромгоҳ директори Ҳакима Акрамова биз билан суҳбатда «Болалар хурсандчилиги — бизнинг қувончимиз, болалар соғлиги — бизнинг бойлигимиз. Ахир, келажакимиз шу ёш авлод қулида-ку!» деди.

Ҳакима опа жуда ҳам болажон эканлар. Ҳар куни болалар нима овқат ейишидан тортиб қачон ухлашигача текширадилар. Опанинг айтишларича тарбиячилардан Юлдуз Шоисломова, Марҳабо Уктамова, Мамлакат Муродова, Зулфия Жуманиёзова, болалар ётақчаларидан Умида Ҳамраева, Малика Султонова, Барно Машариповалар бу йилги таътил мусобақаларида ғолибликни қулдан беришмабди. Болажонлар билан булган суҳбатимиз чоғида ҳам тарбиячиларнинг ута меҳрибон, маданиятли, самийликларидан хурсанд бўлиб гапиришди.

Ота-оналардан Робия Ҳамроева ва Раҳима Ҳусановаларни суҳбатга тортидик.

— Уғлим билан икки нафар қизим оромгоҳнинг иккила сменасида ҳам дам олишди. Хурсанд булган томоним шундаки, болаларим дам олиш билан бирга соғликларини ҳам тиклашмоқда, — деди Робия опа мамнун.

Болажонларнинг шодон кулгуси, бағрингда жаранглаб тураверсин «Гулзор»!

**Малика БОБОҚУЛОВА**

**БОЛАЛАРНИНГ  
МАФТУНКОР ДУНЁСИ**

Пойтахт вилояти, Юқоричирчик тумани, Ийк ота хужалиги маданият саройида ногирон болаларнинг «Мафтункор ранглар дунёси» мав-

лодни камол топтириш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Оила йили муносабати билан утказилган мазкур талбир ҳам ана шу йулдаги хайрли ишлардан бири бўлиб, у ногирон болаларнинг ижодий қобилиятини устиришга қаратилди. Марказий Осиё давлатларидан келган элликка яқин бола тасвирий санъат соҳасидаги маҳоратини намойиш этди.

Танлов якунларига қўра гулистонлик Нигора Эшбековага «Бугун байрам», «Бахт қуши» расмлари учун биринчи урин берилди.

Талбир давомида болалар ногиронлиги муаммолари масалаларига бағишланган халқаро семинар ҳам утказилди. Унда республикамиз ва жаҳоннинг илғор тиббий масалалари мутахассислари, жумладан, Чикагодаги (АҚШ) Швед госпитали доктори, Америка ортопедия Ассоциацияси дипломати Ким Джозеф Сан, Корея реабилитация Маркази доктори Ли Бум Сук, Ўзбекистоннинг «Умид» реабилитация маркази раҳбари Д. Маҳмудова ва бошқаларнинг маърузалари тингланди. Мулоқот чоғида болалар ногиронлигини даволаш юзасидан тажриба алмашилди, ҳамкорлик истиқболлари белгиланди.

**Н. ДУШАЕВ**

зуида Халқаро рассомлик куриқ — танлови бўлди. Талбир республика Ижтимоий таъминот ва Халқ таълими Вазирликлари, мамлакатимизнинг «Соғлом авлод учун», АҚШнинг «Ентраг» халқаро хайрия жамғармалари, Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда Ногиронлар жамияти томонидан ташкил этилди.

Республикамизда ёш ав-

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети қошидаги лицейда инглиз, немис, француз, япон тиллари чуқур ўрганилади. Билим бераётган ўқитувчиларнинг бир қисми хорижий давлатлардан таклиф этилган мутахассислардир.

Ўқувчиларнинг билим савияси ҳам юқори даражада десак муболаға бўлмайди. Бунинг исботи, яқинда Америка Ўзбекистон инглиз тилини ўргатиш марказида ўтказилган танловда лицей ўқувчиларидан тўрт нафари: Даврон Азизов, Шаҳзода Холмухамедова, Юлия Сорокина, Дима Абдуллаевлар ғолиб деб топилдилар. 11-синф ўқувчиси Тўрахонов Даврон эса Маями шаҳрига ўқишга юборилди.

Лицейда ўқувчилар фақат хорижий тилларни ўрганибгина қолмай, адабиёт, тарих, иқтисод, физика, математика фанлари билан чуқур шуғулланишмоқда. Ўқувчиларнинг талаб ва истакларини ҳисобга олиб лицей қошида «Маънавият — қалб кўзгуси» деб номланган тўғарак ташкил этилди. Унга адабиётшунос Зарифа опа Рашидова раҳбарлик қиладилар. Тўғаракнинг драма, бадий ҳаваскорлик, ёш қаламкашлар бўлимлари бўлиб, қатнашувчиларни қизиқтирган йўналишлар бўйича кечалар, суҳбат ва учрашувларни тез-тез уюштириб турадилар.

Лицейда «Тенгдошларнинг ижодидан» деб номланган деворий газета ташкил қилинган. Куйида деворий газета саҳифасида чоп этилган икки тенгдошнингизнинг янги ёзган шеъри билан танишасиз.

**ИЛМ**

Илм — устадир, ҳамда санъаткор, наққош  
Безар инсон онгин, шаклантирар.  
Бўлмаса одамда мисқолча билим  
Албатта боши берк кўчага кирар.

**САРТТАРОШ**

Эрта тонгдан кечгача  
Ишлайди бир сарттарош.  
Келган мижозларига  
Хизмат қилар эғиб бош.



Келсангиз биродарлар,  
Осмонга етар бошим.  
Тез-тез келиб турунглар,  
Ҳалол бўлади ошим.  
Қочмайман мен ҳеч қачон,  
Сизга хизмат қилишдан.  
Касбим сизларга аён,  
Мамнундирман ишимдан!..  
Ҳамидулла МҮМИНОВ,  
10-синф ўқувчиси.



Илм талаб қилар онгли меҳнатни,  
Шундандир ҳур келажак — ҳаёт фаровон.  
Халқ кучи, ишончи улкан қудратдир,  
Илмни қурол қилиб, забт етар довон.


**Шерали ЁДГОРОВ,  
10-синф ўқувчиси.**



**УСТОЗ ОҚ ЎҲА  
ТУЛАЙҲУ**

Мен Булоқбоши туманидаги Ширмонбулоқ қишлоғида жойлашган 21-урта мактабда 17 йилдан бери ўқитувчи бўлиб ишлаб келмоқдаман.

Мактабимизда иқтидорли, интилувчан болалар куп. Уларнинг қизиқишларини, савол-суроқларини кўриб жуда қувонаман. Мен сизларга 1-«В» синф ўқувчиси Феруза Собированинг икки хил чизган суратини келтирдим.



Феруза ҳам аълочи, ҳам кузатувчан қизча, ажаб эмас, узининг чизган расмларини севимли газетасида кўриб, унинг янада илҳоми қайнаб кетса!

**Мақсуда РАҲМОНОВА,  
Андижон вилояти,  
Булоқбоши тумани,  
Ширмонбулоқ қишлоғи,  
21-ўрта мактаб.**

# ФАЙРАТ НЕГА ЙЎҚОЛДИ?

Кучукча жула чиройли эди. Митти, оқ-қора қулоқлари доим осилиб турар, думчаси ликилларди. Айниқса, Файратни кўрганда у томон уйноқлаб келар, оёқларини кутариб, эгасига суйкаларди. Файрат эса дарров чўккалаб утириб, Шарикнинг момикдек бошини силар, унга сайин кучукча тилчасини чиқариб эрқаланарди.

Бу гал у эгасининг рўпарасига ҳал-лослаб чиқди. Темир гараж ичидан чиққани учун оғир-оғир нафасолар, кечаги шўхлигидан асар ҳам қолмаганди. Файрат билдики, кун исиб кетгани учун Шарик бу ерда тоза қийналган. Ҳаво кирмайдиган қоронғи гараж унга қамқонанинг ўзи булган.

— Шарик, Шарикжон, — деди у кучукчанинг бошини силар экан. — Катта бўлсам ўзим сенга уй қуриб бераман. Бунақа қийналмайсан.

Шарик ҳаллослашдан тўхтамас, орасира ингиллаб ҳам қуярди. Кун тиккага келиб қолган, атрофда бир туп ҳам дарахт йўқ. Шарикни уйга олиб киришга онасидан кўрқарди. Болакай чунтагидан бир бурда нон олиб, кучукчанинг олдига майдалаб қўйди. Лекин жонивор унга қайрилиб ҳам қарамади. Файрат билдики, кучукча чанқаган. Гараждан елим челақ топиб нарироқдаги водопроводдан сув олгани юрди. Ортидан Шарик ҳам эргашди. Файрат то челақни тўлдиргунча Шарик қараб туролмади. Тилчалари билан шапиллатиб сув ича бошлади. Шу пайт учинчи қаватнинг деразаси шарақлаб очилди ва аёл кишининг бугиқ овози ҳаммаёқни тутиб кетди.

— Ҳой, тирмизак, мен сенга нима деган эдим, кеча. Игинг кўргурни йўқот. Ҳаммаёқни ҳаром қилиб юборди.



Бола бир чучиб тушди-ю, чанқаган кучукчанинг сув ичишига қараб индамай тураверди. Бояги аёл деразани қандай тарақлатиб очган булса, шундай ёнди. Бироздан сунг у йўлак зиналаридан гизиллаганча пастга тушиб келди.

Ўглининг олдида пайдо булди.

— Мана, сенга, — у Файратнинг қулогини чўзди, — Мана-а-а. Шундай қилиш керак сени-и-и! Ҳа, қулогинг кўрмагур.

Бола оғриқдан бақириб юборай деди. Лекин қулидаги челақни қўймас, кучукча эса энди сувга тўйиб, тумшукчасини челақка тиқиб уйнарди.

— Мана бу сенга, ма, ол, ҳа қуриб кетгур. — Аёл шундай деб кучукчани бир-икки тепди. Шарик, зарбидан ингиллаганча нарига ўчиб тушиб, уна

ерда қимирламай қолди.

Файрат қўзларила ҳалқа-ҳалқа еш билан унинг олдига пилдираб борди ва кучукчани кутарганича қочди. Онаси эса уни қувар, у эса гоҳ чапга, гоҳ унга бурилиб тутқич бермасди. Аёл ўглига етолмагач, ортидан бақириб қолди.

— Ҳа, сеними, шошмай тур. Отанг келсин, бир таъзирингни бериб қўяди!

Файрат отасини яхши биларди. Онасининг гиди-бидиси жонига теккач ўглига ёлгон пуписа қилади. Буни онаси ҳам сезиб, ҳаммасига ўзингиз айбдор, ўглингиз безбет булиб кетяпти, сузга кирмайди, деб жаврагани-жавраган. Отаси эса индамай бош қимирлатиб утираверди.

Отаси Шарикни бир ҳафта олдин Файрат билан қишлоққа борганда олиб келган. Файрат кучукчани қуриб ҳаваси келиб қолди. Олиб кетамиз, олиб кетамиз деяверди. Шунда отаси энди мактабга чиқаянсан, дарсларингни қилишинг керак ўғлим, деса ҳам Файрат қўймади. Шундан сунг «Жигули»ларининг юкхонасига солиб, олиб келишди.

Отини Шарик қўйволишди. Лекин кучукчанинг яшайдиган жойи бўлмагани учун темир гаражларига қамаб қўйишди. Вақти-вақти билан Файрат ундан хабар олиб турар, гаражнинг битта калити болада юрарди. Бу орада отаси онаси билан бир неча марта уришиб олишди. Отаси кучук боққан бола қайтанга мэхрибон булиб усади деса, онаси сичқон сиғмас инига, галвир боғлар думига дегани-деган эди. Барибир отаси зур чиқди.

## Жониворлар — жониборлар

Ўзи Файрат жонли нарсаларни жўча яхши қуради. Бир кун онаси магазиндан тирик балиқлар сотиб олиб, уйга келтирди. Ишга кетганида Файрат ваннага сув тўлдирди ва шу балиқларни қўйиб юборди. Кечгача улар билан мазза қилиб уйнади. Балиқлар думларини ликиллатиб, ҳаммаёқни сув килиб юборди. Бу орада пастдаги қўшнилари ҳам, нима бафо ҳаммаёқни сув бостириб юборяпсан, — деб туполон қилиб чиқилди. Кечга яқин онаси келиб Файратнинг қулогидан чўзди. Кейин балиқни ваннадан олиб, ёғоч тахта устига қўйди, бошига бир-икки муштлади. Балиқ эса ҳамон типирлар, сира улгиси келмасди. Буни қуриб турган Файрат бақириб юборди. Онасини нари итарди. Лекин онаси барибир буш келмади. Пичоқни олди-да, балиқларни тилка-пора қилди. Кейин қозонга солди.

Шу кун Файрат овқат емасди. Кечаси билан йиғлаб чиқди. Яхшиямки, отаси бор экан, уни чалғитиб овқатланишга ёрдам берди.

Шарик билан боғлиқ воқеалар сабаб эртасига Файрат йўқолиб қолди. Ҳа, роса кидиришди. Ҳатто милицияга ҳам маълум қилмоқчи булишди. Шунда отаси бошини қашиб, уйлаб қолди. Кечга яқин уни қишлоқдаги қариндошлариникидан топиб келишди. Бу ерда мазза, кучукчамни ҳеч ким уришмайди, урмайди, дебди. Отаси унга катта ваъдалар берибди. Қайтсак, Шарикка яхши бир уйча қуриб бераман, дебди.

Ҳақиқатан ҳам эртасига — якшанба кун Шарикка гиштдан уй қуриб берди. Файрат тоза қувониб, кучукчани уйчанинг ичкарасига киритди. Сунг икки қулни белларига қўйиб, атрофга назар ташлади. Унинг қўзларига бу уйча узлари яшайдиган тўққиз қаватли уйдан ҳам баянд қуришиб кетди.

Абдусаттор ҲОТАМОВ



# «Ойнаи Жаҳон» — болаларга



СЕШАНБА 4 август  
ЎЗ. ТВ — 1

- 10.05 «Доно бобо даврасида».
- 10.35 Янги алифбони урганамиз.
- 11.05 «Оламни асранг!»
- 11.20 «Рақс, рақс, рақс».
- 11.45 «Шумтакалар» мультфильм премьераси. 16 серия.
- 18.10 «Парвоз» болалар учун.
- 20.05 «Оқшом эртақлари»  
ЎЗ. ТВ — 2
- 18.15 «Ерилтош» мульттуплам.
- 18.25 «Еввойи ҳайвонот олами».  
ЎЗ. ТВ — 4
- 18.50 «Муълтола».

ЧОРШАНБА 5 август  
ЎЗ. ТВ — 1

- 8.45 «Маърифат маскани».
- 9.00 Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига «Ўзбектелефильм» намоиш этади. «Она шахрим — Тошкентим».
- 10.05 «Бир сиқим тупроқ». Болалар учун.
- 10.30 Алифбо сабоқлари.
- 12.05 «Шумтакалар» мультфильм премьераси. 17 серия.
- 12.20 «Акс-садо».
- 12.50 «Колонна» Кундузги сеанс, бадий фильм 1 — қисм.
- 14.10 «Сени Ватан кутади».
- 18.10 «Умид учкунлари» тележурнал.
- 18.30 «Чемпион билан учрашув».
- 18.45 «Тилга эътибор».
- 20.05 «Оқшом эртақлари».  
ЎЗ. ТВ — 2
- 18.15 «Жаҳон халқлари эртақлари».  
ЎЗ. ТВ — 3
- 16.40 «Эртақнамо чоршанба» болалар учун кинокурсатув.
- 21.35 «Кино сайёраси» кинокурсатув.  
ЎЗ. ТВ — 4
- 18.50 Мульттомоша.


ПАЙШАНБА 6 август  
ЎЗ. ТВ — 1

- 10.30 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт.
- 11.30 «Шоирлар — болаларга».
- 12.05 «Шумтакалар» мультфильм премьераси 18 серия.



Янги кўрсатувга ҳозирлик

- 18.10 Болалар учун «Санъат гунчалари».
- 20.10 «Оқшом эртақлари».  
ЎЗ. ТВ — 2
- 18.15 «Ерилтош» мульттуплам.
- 18.35 «Буш утирма».
- 18.55 «2000 йилдан сунг». Телесериал.  
ЎЗ. ТВ — 4
- 18.50 Мульттомоша.  
ЖУМА 7 август.  
ЎЗ. ТВ — 1
- 10.30 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
- 11.45 «Шумтака». Мультфильм 19-серия.
- 12.05 «Сув сайли».
- 18.10 «Олтин тож» телеуйин.



- 20.05 «Оқшом эртақлари».  
ЎЗ. ТВ — 2
- 18.15 «Бор экан-да йўқ экан».  
ЎЗ. ТВ — 3
- 17.00 «Бинафша». Болалар учун.  
ЎЗ. ТВ — 4
- 18.50 Мульттомоша.  
ШАНБА 8 август  
ЎЗ. ТВ — 1
- 9.00 «Шохруҳ клуби».
- 9.30 «Шумтака» мультфильм 19-серия.
- 12.25 «Қизиқарли учрашувлар». Мақсуд Юнусов.
- 18.00 Болалар учун «Фламинго».
- 19.50 «Оқшом эртақлари».  
ЎЗ. ТВ — 2
- 8.00 «У ким? Бу нима?»

- 10.20 Болалар экрани.
- 18.15 «Боданинг тили».  
ЎЗ. ТВ — 4
- 10.05 «Шанба эртаги».
- 18.50 Мульттомоша.  
ЯҚШАНБА 9 август  
ЎЗ. ТВ — 1
- 8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
- 14.05 «Нурли келажак».
- 18.00 «Сеними, шошмай тур!».
- Мультфильм.
- 18.15 «Ҳа-ха-ха!». Ҳазил, ҳажв, ҳангома.  
ЎЗ. ТВ — 2
- 8.00 «Бор экан-да, йўқ экан».
- 11.30 Болалар экрани.
- 18.15 Сув ости дунёсига саёхат.
- 18.30 «Мульттипанорама».  
ЎЗ. ТВ — 3
- 17.45. «Цирк, цирк, цирк».  
ЎЗ. ТВ — 4
- 10.15 «Эртақларнинг сехри олами».
- 14.50 «Жонли сайёра».
- 19.55 «Хайрли оқшом».
- ДУШАНБА 10 август  
ЎЗ. ТВ — 1
- 20.05 «Оқшом эртақлари».  
ЎЗ. ТВ — 2
- 18.15 «Ерилтош». Мульттуплам.  
ЎЗ. ТВ — 4
- 18.50 «Мульттомоша».
- СЕШАНБА 11 август  
ЎЗ. ТВ — 1
- 20.05 «Оқшом эртақлари».  
ЎЗ. ТВ — 2
- 18.15 «Ерилтош» мульттуплам
- 18.25 «Еввойи ҳайвонот олами».  
ЎЗ. ТВ — 4
- 18.50 «Мульттомоша».
- Азиз ўқувчилар, Ўзбекистон телевидениеси сиз азиз болалар учун езги таътил кунларингизда ана шу курсатув, фильм ва мультфильмларни тайёрлади. Езги таътилингиз мароқли утсин!

Тоҳир Муллабоев,  
Ўзбекистон  
телевидениеси «Болалар»  
Бош муҳаррияти гуруҳ  
раҳбари.

— Ун саккиз минг оламини яратдим-у, лекин сендайин қайсар зотни яратарман деб ҳаёлимга ҳам келмаганди, — гулдирабди қудратли Табиат совуқ коинотаро қулида гул билан кезинаркан. — Қара-я, қудратда тенгсиз буюк яратувчи Табиат капалакдек нозик бир гулнинг эркалиги деб юлдузлар аро кезиб юрса-я!

Нилуфарнинг нозик гулбарглари пирпираб кетибди, лекин садоси чиқмабди. У аразлагандек унсиз, теварак атрофидан гизиллаб учиб ўтаётган метеоритлар ва думли юлдузларга тикиларди.

Совуқ зулматаро кезина кезина қудратли Табиат гузал Вега юлдузига етиб келибди. Вега юлдузи ёнгинасидаги сайёрани худди она меҳридек қайноқ ҳаворанг нурлари билан иситар, унда яшовчи жонзотларга ҳаёт бахш этар экан. Кичиккина бу сайёрачада бутун вужуди лаҳча чуғдан иборат жонзотлар яшашар, уларнинг ёнида яшашга ҳеч қандай мавжудот чидаёлмас экан. Оловли жонзотлар бутун сайёрадаги тирликдан тортиб тупроққа-ча куйдириб юборишган, шу туфайли ҳам сайёра юзаси куп-куруқ кулдан иборат, ҳатто дарё ва денгизлар ҳам аллақачон буғланиб қуриб кетган экан.

— Сайёрада гул ёки дарахт усмаса, замини фақат кулдан иборат бўлса,... Шуям ҳаётми? — чийиллабди нилуфар гул.

— Ахир, сен бу сайёрада

гул булиб яшамайсан-да, — эътироз билдирибди қудратли Табиат. — Сени оловвужуд жонзотга айлантираман.

— Йук, хоҳламайман.

Қудратли Табиат инжиқ гул билан пачакилашиб утирмай, Фомальгаут юлдузи томон йул олибди. Кичкинагина қизғиш юлдузнинг ёнидаги қушалок сайёрадан бирининг юзаси фақат муз саҳро билан қопланган, иккинчи-



(Давоми. Боши утган сонда)

сида эса соясимон бевожуд хилқатлар яшашар экан. Нилуфар бир неча дақиқа худди ҳарир пардага ухшаб ҳавода муаллақ осилиб турган, сезилар-сезилмас шабада турса ҳам бир зумда шакли узгариб, учиб кетаётган жонзотларга қараб ўйланиб қолибди.

Табиат «Қайсар гулим бу сайёрани ёқтирди, шекилли», деб ўйлагани ҳамон нилуфарнинг эрка овози янграбди:

— Бу сайёра чиройли эмас экан!

— Бу сенинг унга қай куз билан қарашингга боғлиқ, — дебди Табиат. — Ахир ҳар бир нарсанинг ўзига яраша хусни-таровати бўлади. Агар сен манави соясимон хилқатларнинг кузи билан қараганинг-

да эди, бу сайёра сенга дунёдаги энг чиройли жой булиб қуринарди.

Нилуфар унсиз бош чайқабди. Шунда узи яратган ажойиб бир сайёра қудратли Табиатнинг эсига тушибди.

— Қани юр-чи, сенга ёқадиган жойга борамиз, — дебди у.

Табиат нилуфар гулни олиб Ер деб аталмиш қурраи

заминга қараб кетибди.

— Бу шундай бир ажойиб сайёраки, — деб таърифлай бошлабди қудратли Табиат йул-йулакай гулига: — Бу сайёрада сен узинг истаган гузалликнинг барчасини топасан. Бу ерда муз салла ураган виқорли тоғлар бор, уларнинг бошларида доим қор—қиш ҳукм суради, этакларида эса баҳор, анвойи гуллар барқ уриб очилиб ётади. Ёзин-қишин бир хил либос кийган асрий арчалар харсангтошларни ёриб, илдизларини заминга тираб, кукка томон буй чузадилар. Бу заминда бойчечак деб аталмиш ажойиб гуллар яшашади, улар қишнинг қаҳридан ҳам чучимади, кези келса қорлар орасидан ҳам буй чузиб, кузларни қувонтиради. Бу ерда инсон деб аталмиш ақли жонзотлар истиқомат қилишади, уларнинг тафаккури билан қурраи заминда осмонупар бинолар, турли узи

юрар ва узиучар галати-галати қурилмалар бунёд бўлди. Мен баъзан уларга керагидан ортиқроқ тафаккур бериб юбормадиммикан, деб хавфсираб ҳам қуяман....

— Мен уларнинг ҳаммасини ўз кузим билан қуришим керак, — дебди нилуфар қудратли Табиатнинг гапини булиб.

— Яхши, лекин бу сенинг атрофни тутибди, узида қан охириги танлашинг бўлади. —



атрофни тутибди, узида қан охириги танлашинг бўлади. —

дебди қудратли Табиат жаҳли чиқиб.

Табиат юлдузлараро изгийверишдан чарчабди, у энди қайсар гулни хоҳласа-хоҳламаса, шу сайёрага ташлаб кетишга аҳд қилибди.

— Вой, манави нима? — қайсар гулнинг таажжубга тўлиқ овози янграбди.

Табиат қарасаки, теварак атрофда баҳор экан: ҳаммаёқ кум-кук майсалар билан қопланган, ранго-ранг гулларнинг ифори маст қилгудай, қушларнинг чуғури булутларга етгудай. Нилуфарни таажжубга солган жонзот эса бир ҳовлидаги тахтасупада ётган думбоққина чақалоқ экан.

— Бу одамизоднинг боласи, — деб тушунтирибди Табиат нилуфарга. — Одамзод ана шундай жажжигина, беозор вужуддан ўсиб, улғайиб боради ва вояга етганида ниҳоятда қудратли, тафаккури кучли инсонга айланади. Унинг ақли ва қули етмаган ҳеч қандай сир-асрор йук дунёда. У ҳатто менинг сонсаноксиз юлдузларимда яширин сирларни ҳам билиб олишга уринаяпти.

Шу пайт болакай икки донагина тишини курсатиб, нималарнидир деб гуҷурлабди-да, думбоқ қулларини нилуфар гулга узатибди. Нилуфарнинг гулбарглари пирпираб кетибди, уткир ифори

дайдир галати бир ҳис уйғонаётганини сезибди.

— Галати булиб кетаяпман, — дебди у Табиатга.

— Ҳа-а, сенинг вужудингда меҳр деб аталмиш буюк туйғу уйғоняпти, — деб тушунтирибди унга Табиат. — Бу ҳам булса фақатгина одамзодга хос булган купгина туйғуларнинг бири.

— Қунглим нималарнидир истаяпти, лекин нималигини билолмаяпман, — дебди нилуфар тортинибгина.

Табиат унга қараб узи яратган қайсар гулни таниёлмай қолибди. Инжиқ гулнинг гулбарглари пирпираб, оч пушти ранги тўқ пуштирангга айланган, узун навдачадаги бошчаси ерга эгилганди.

— Назаримда, сенинг одамзодга айланиб қолгинг келяпти, шекилли, — дебди Табиат унга синчков назар ташлаб.

— Ҳа,— секингина шивирлабди нилуфар гул.

— Майли, сен истаганча була қолсин, — дебди қудратда тенгсиз Табиат Нилуфар гулнинг нозик дидига қойил қолиб. — Майли, сен одамзоднинг фарзанди булиб қайта дунёга келақолгин, эрка гулим....

Шундай қилиб, Нилуфар ҳозир Тошкент деб аталмиш шаҳри азимда яшаётганмиш.

**Муҳаббат  
ЙЎЛДОШЕВА**



# ОНА БЕТОБ БЎЛГАН КУН

НАРИМОН ОРИФЖОНОВ



Пича ўғлига қараб тургач:  
- Ха, майли, бўлар иш бўлди,- деди. -Манави шиша синикларини супуриб, эшикка чиқариб ташла. Майдаси оёғинга кирмасин.

Хаамиша тонг сахарда туриб,ўғлини ўқишга кузатиб кўядиган Мохира опа бугун эрталаб ўрнидан туролмай қолди. У ўғлига хорфин овозда:

- Ёқубжон, болам, бош оғригим тутиб қолганга ўхшайди,- деб зорланди. - Икки чаккам зирқираб кетаяпти. Чойингни ўзинг тайёрлай қол. Фаридага айт, сигирни соғиб қўйсин.

Тоби йўқлиги Мохира опанинг шундоққина юзидан сезилиб турар, икки юзи кипкизариб кетган, қовоғи салқиб, кўзлари киртайиб қолган, энтиқиб аранг нафас оларди.

Ёқубжонни ваҳима босди: бош оғриғи-Мохира опани кўндан бери қийнаб келаётган дард, бир кунлик касал бўлгани билан қаттиқ ушлайди. Шундай пайтларда онаси юролмай қолади, иштахасини йўқотиб, бемажол токи санаб ётади. Демак, ўз ўзидан маълумки, бундай дамларда ҳамма уй ишлари Ёқубжоннинг зиммасига тушади. «Аксига олиб, дадамларнинг йўқликларини қаранг! Агар шу ерда бўлсалар, ҳамма ишни ўзлари қойил қилардилар», - деб кўнглидан ўтказди у.

-Буфетнинг тортмасидаги термометрни олиб берчи, иссиғимни ўлчаб кўрай, ўғлим,- деб пичирлади Мохира опа.

Ёқубжон тортмани титкилай-титкилай, термометрни аранг топиб берди. Онаси уни кўлига олиб, бир-икки қимирлатди-да, кейин ўғлига узатди:

-Симоби тушмаяптими, қарагин-чи?

Ёқубжон термометрни онасининг қўлидан олиб, баланд кўтариб қаради. Кейин симобли учидан ушлаб, астойдил силкитган эди, унинг шишаси чил-чилсинди. Бола нима қиларини билмай талмовсиради.

-Оббо, ўғлим-ей!- деди Мохира опа ҳафа бўлиб.- Секинроқ, силкитсанг бўлмасмиди? Энди нима қилдик?!

Она тақдирга тан берди.

Ёқубжон ҳовлида анча ивирсиб юргач, ювиниб ошхонага кирди. Ейишга бир нима излаб тимирскиланди. Шу пайт унинг кўзи кечаги сутга тушди. Устидаги ликопчани оламан, деб тоғорачани ағдариб юборди. Полни қандай тозалашни билмай,гаранг бўлиб қолди. Юраги хаприқиб соатга қараган эди, мактабга борадиган вақт бўлибди. Қўлини бир силтади-да, очлигича ўқишга жўнаворди...

Мактабдан Ёқубжоннинг таъби хира бўлиб қайтди. Қорни очиб, мадори қуриганидан ўртоқлари билан гаплашмади

хам. Бунинг устига-устак, уйга келса, ейдиган овқат йўқ. Онаси касал, синглиси кичкина, ким унга овқат тайёрлаб қўярди?

Мохира опа пешонабоғи билан бошини боғлаб, шифтга мажолсиз қараб ётарди.

Ёқубжоннинг синикқан рангини кўриб:

-Ўғлим, қорнинг оч қолгандир,- деди шивирлаб, - нима қиласан энди? Турай десам дармоним йўқ... Синглинг бугунги сутни пишириб қўйган бўлса керак, нон тўғраб ичволақол.

Ёқубжон сутни унчалик суймасди. Шунинг учун уни овқат ўрнида кўрмас эди. У ҳам майли-я, «ундоқ бўпти, мундоқ бўпти» деб, тайёр овқатни ҳам емасдан инжиклик қиладиган одати бор эди. Ҳозир ўзининг назарида дунёда ундан хароб одам йўқ эди.

Нонга сариёғ суртиб еб кўрди, бўлмади, томоғидан ўтмади.

-Ойи, энг осон пишадиган овқат нима?- деб сўради.

Мохира опа бироз хаёл суриб ётди-да:

-Қуймоқ,- деди.

-Йўқ, тухум егим келмаяпти.

-Бўлмаса мастава ича қол.

-Уни ҳам ичгим келмаяпти.

-Нима қилгинг келаяпти бўлмаса?



-Гўшт қовургим бор.  
- Майли.  
- Уни қанақа қилиб қовураман?

-Аввал ўтин ёр, сув тайёрла, кейин тушунтириб бераман.

Ёқубжон ташқарига чиқди-да, кичикроқ бир гўлани олиб, дадасига ўхшатиб ерга уриб ёрмоқчи

**Биз севган ижодкорлар**

бўлди. Қулочлаб туриб бор қучи билан ерга бир урган эди, ёрилмади, қайтанга қафти оғриб, томирлари зирқираб кетди.

Ботинкасини ечиб қараган эди, ҳайтовур оёғига ҳеч нарса қилмабди.

Жони-пони чиқаёзган Ёқубжон болтани улоқтириб юборди. Уйга кириб ётмоқчи бўлди: «Бир кунга очдан ўлмасман», -деган ўйга борди. - Балки кечгача дадам келиб қоларлар».

Шу пайт ўзи етакчилик қиладиган 4-«А» синфида ўқийдиган Маъмур эшикни тақиллатиб кириб қолди.

-Кел, нима қилиб юрибсан?- деди Ёқубжон унга ёв қараш билан.

-Бугун деворий газета чиқаришимиз керак эди. Шунга қанақа расм чизишни сиз билан маслаҳатлашгани келувдим.

-Жуда яхши қилибсан. Бунақа нарсаларни қатталар билан маслаҳатлашиб қилган яхши. Тушундингми?

-Тушундим, Ёқубжон ака.

-Тушунган бўлсанг, энди уни қўя тур. Менга битта гўлани ёриб бергин, бир оз белим оғриб турибди.

-Хўп бўлади.

Маъмур ҳалиги, Ёқубжон ёра олмаган гўлани бир четидан яхшилаб ушлаб олди-да, ерга энгил-енгил уриб ёриб ташлади. Қўлини ҳам ортиқча қойитмади. Маъмур охирги бўлакни тутантирик учун тараша қилиб берди. Ўчқоқка қалаб, остидан гугурт

чакиб юборилса бўлди, ловиллаб ёниб кетади.

-Энди тушунтириб бера-сизми, қандай расм чизай?-деб сўради Маъмур қўлини ювишга тайёрланиб.

-Шошмай тур. Биласанми, ойимларнинг бош оғриқлари тутиб қолган. Водопроводдан бир челак сув олиб келгин. Мен унгача ўт ёқиб юбораман.

-Майли,- деб Маъмур сувга кетди.

У сувни олиб келгунча ошхонанинг ичи тутунга тўлиб кетди. Ичкарига кириб бўлмайди, кўзни ачиштиради. Шунинг учун Маъмур ташқарида туриб чаккирди:

-Ёқубжон ака, қаердасиз?

-Мен бу ерданман,- деб жавоб берди бечора етакчи ичкаридан туриб.

Маъмур кўзини ишқалай-ишқалай, аранг ўчоқнинг олдига борди-ю, ўзини тутиб тура олмади, одобсизлик бўлса ҳам гапириб юборди:

-Ўтинни шунақа қилиб ҳам ялалар эканми? Н ега бунча газетани Ўйимлаб ти-масангиз? Тутантиригини гининг тагига ялалаш керак эди-да. Н арирои туринг.

Орадан бирор дақиқа тартмас гчоидати олов ловул-лаб ёниб кетди. Ошхона ичи-

даги тутун аста-секин тарқала бошлади. Ёқубжон қизариб кетган кўзларини хадеб энги билан артаркан:

-Биласанми, дунёда энг ёмон кўрган ишим - олов ёқиш. Доим оловни ойим ўзлари ёқардилар,- деди ўзини оқлашга интилиб.

Маъмур гап нимада эканини аллақачон пайқаган бўлса-да, бошқа ҳеч нима демади. Яна мақсадга кўчди:

-Энди маслаҳат беринг, қандай расм чизай? Мактабда болалар кутиб туришмоқчи эди. Бугун битириб осиб қўйишимиз керак,- деган эди синфбошимиз Мавжуда.


-Қанақа расм дейсанми?! Хўш, уни тушунтириб бераман... Ха, мактабга боришим керак дедингми?

-Ха, боришим керак. Мавжуда пойлаб туради.

-Яхшиси, сен бугун мактабга борма қўя қол. Ойимларнинг касалликларини кўрдинг. Менга ёрдамлашиб юбор. Ҳозир гўшт қовура-миз.

-Мен ҳозиргина овқатланган эдим.

-Сен овқатланган бўлсанг, менинг қорним оч. Газетани эртага чиқарсаларинг ҳам бўлади. Мавжудага ўзим тушунтириб қўяман, «Менга ёрдам берди», - дейман.



Муножот опасини, Мавлон кучугини қидириб юрибди. Уларга ердам беринг.

<p><b>ТОНГ ЮЛДУЗИ</b> <b>Муассислар:</b> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, "СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН" ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ</p>	<p><b>Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА</b> <b>ТАХРИР ХАЙЪАТИ:</b> Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора ЙҮЛДОШЕВА, Ҳотам АБДУРАИМОВ, Дадахон ЁҚУБОВ, Миршоҳид МИРҲАМИДОВ, Мукаррама МУРОДОВА, Феруза ОДИЛОВА.</p> <p><b>"ЁШ ИҚТИСОДЧИ"</b> ИЛОВАСИНИ ТАЙЁРЛАГАНЛАР: Музаффар ПИРМАТОВ, Равшан ҚАМБАРОВ, Асқар ШОКИРОВ, Махлиё МИРСОАТОВА</p>	<p>IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ Буюртма — Г -094. 46.496 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00 Топширилди — 18.30 Навбатчи: С хрия МУҲАММАД-ЖОНОВА</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Рўйхатдан ўттиш тартиби № 000137</li> <li>• Манзилыииз: 700083,</li> <li>• Тошкент шаҳри,</li> <li>• Матбуотчилар кўчаси, 32уй.</li> <li>• Нашр кўрсаткичи: № 64563</li> <li>• Тел: 1-33-44-25</li> <li>• 1-36-57-91</li> <li>• 1-36-54-21</li> </ul>
--	--	--